

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг  
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

*5340200 – Бино ва ишиоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари)*  
бакалавриат таълим йўналишининг  
давлат таълим стандарти

Расмий нашр

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

Государственные образовательные стандарты  
непрерывного образования Узбекистана

Государственный образовательный стандарт высшего образования

Государственный образовательный стандарт направления образования  
бакалавриата *5340200 – Строительство зданий и сооружений*  
*(промышленные и гражданские здания)*

Издание официальное

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Тошкент

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг  
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

*5340200 – Бино ва инишоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари)*  
бакалавриат таълим йўналишининг  
давлат таълим стандарти

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Тошкент

**СЎЗ БОШИ****1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мини ривожлантириш маркази;
- Тошкент архитектура қурилиш институти.

**2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
2014 йил «10» Март даги 84 - сонли буйруги.

**3. ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.

**4. ИЛК БОР КИРИТИЛГАН.**

*Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси худудида амалга кўланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришлар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.*

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш хукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир

**Мундарижа**

т/р

**Бет**

<b>1</b>	<b>Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиши асослари .....</b>	<b>1</b>
<b>2</b>	<b>Қўлланилиш соҳаси .....</b>	<b>2</b>
<b>3</b>	<b>Атамалар, таърифлар, қисқартмалар .....</b>	<b>3</b>
<b>4</b>	<b>Таълим йўналишининг тавсифи .....</b>	<b>3</b>
<b>5</b>	<b>5340200 – Бино ва иниоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи.....</b>	<b>4</b>
<b>6</b>	<b>Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар.....</b>	<b>5</b>
<b>7</b>	<b>Таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари .....</b>	<b>19</b>
<b>8</b>	<b>Бакалавриатнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар.....</b>	<b>33</b>
<b>8.1</b>	<b>Бакалавриатнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар .....</b>	<b>33</b>
<b>8.2</b>	<b>Таълим дастурларининг тадбиқ этилиши .....</b>	<b>34</b>
<b>8.3</b>	<b>Малакавий амалиётларни ташкил этиш талаблари.....</b>	<b>34</b>
<b>8.4</b>	<b>Ўкув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар .....</b>	<b>35</b>
<b>8.5</b>	<b>Таълим жараёнини ўқув–методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари .....</b>	<b>35</b>
<b>8.6</b>	<b>Ўкув жараёнининг моддий–техник базаси бўйича талаблар.....</b>	<b>36</b>
<b>9</b>	<b>Бакалавр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш .....</b>	<b>36</b>
<b>10</b>	<b>Эслатма .....</b>	<b>37</b>
<b>11</b>	<b>Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати .....</b>	<b>37</b>
<b>12</b>	<b>Илова .....</b>	<b>38</b>
<b>13</b>	<b>Библиографик маълумотлар .....</b>	<b>39</b>
<b>14</b>	<b>Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари .....</b>	<b>40</b>

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг

Давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти

*5340200 – Бино ва ишоотлар куришиши (саноат ва фуқаро бинолари)*

бакалавриат таълим йўналишининг

давлат таълим стандарти

Государственные образовательные стандарты

непрерывного образования Узбекистана

Государственный образовательный стандарт высшего образования

Государственный образовательный стандарт направления образования

бакалавриата 5340200 – Строительство зданий и сооружений

(промышленные и гражданские здания)

State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan

State Educational Standards of Higher Education

Necessary for content and level of Bachelors in 5340200 – Construction of

building and structures (industrial and civil buildings)

Амал қилиниши «15» 09 2014 йилдан  
сарчандан

## 1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиши асослари

Мазкур мутахассислик бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқишида кўйидаги хужжатларга асосланилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5 -сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июнидаги 341-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-1533-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2011 йил 18 июндан «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»ни ижро ва амалда фойдаланиш учун қабул қилиш тўғрисида»ги 302-сонли бўйруги.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 8 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартариш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 190-сонли бўйруги.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июндан «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартариш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 281-сонли бўйруги.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 ноябрдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартариш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 446-сонли бўйруги.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартариш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 158-сонли бўйруги.

## 2. Кўлланилиш соҳаси

**2.1.** Олий таълимнинг мазкур давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) *5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари)* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуасини ифодалайди.

**2.2.** Олий таълим муассасаси мазкур таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ДТС асосида таълим дастурларини амалга ошириш хукукига эга деб хисобланади.

### 2.3. ОТ ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши ва тайёргарлик даражаси бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютукларини хисобга олган ҳолда таълим дастурларини сифатли ишлаб чикиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор – ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;
- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканатлар ва кафедра мудирлари);
- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳодашибни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим йўналишини ихтиёрий ташлаш хукукига эга бўлган абитуриентлар ва бонка манфаатдорлар.

### 3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро хужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

**касбий фаолият тури** – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият обьектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

**компетенция** – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

**модуль** – тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантиқий тугалланганликка эга бўлган ўкув фани (курси) ёки ўкув фанлари (курслари)нинг маълум бир қисми;

**таълим йўналиши** – таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчisi томонидан эгалланган ва бериладиган «бакалавр» академик даражаси доирасида касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи базавий ва фундаментал билимлар, укувлар ва кўникмалар комплекси;

**касбий фаолият обьекти** – предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида харакатга йўналтирилган тизимлар;

**касбий фаолият соҳаси** – илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият обьектларининг мажмуи;

**бакалавриат** – олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълим;

**бакалавриатнинг таълим дастурлари (бакалавриат дастури)** – ўкув фанларининг бакалавриат йўналишларига кўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи блокларга жамланган рўйхати;

**ўкув-ўрганиш натижалари** – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўникмалар мажмуи;

**ДТС** – давлат таълим стандарти;

**АРМ** – ахборот ресурс маркази;

**ИТИ** – илмий тадқиқот институтлари;

**ОТМ** – олий таълим муассасаси.

### 4. Таълим йўналишининг тавсифи

**4.1. 5340200 –Бино ва инишоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари)** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастури амалга оширилади, уни назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

**4.2.** Таълим дастурининг меъёрий муддати, мос малака (даражаси) 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

#### Таълим дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малакаси

Таълим дастурининг номи	Малака (даражা)	Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриатнинг таълим дастури	Бакалавр	4 йил

**5. 5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи**

**5.1. Бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳаси**

**5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари)** – фан ва техника соҳасидаги бакалавриат таълим йўналиши бўлиб, қурилиш соҳасини ривожлантиришга, истиқболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик кобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, услублари мажмуасини ўз ичига олади.

**Бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидаги соҳаларни камраб олади:**

- саноат ва фуқаро бинолари лойихаларини бажариш ва тузилган лойиха натижаларини амалда қўллаш;
- бино ва иншоотларнинг техник эксплуатацияси;
- турар-жой биноларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;
- энергия самарали саноат ва фуқаро биноларини лойихалаш;

**5.2. Бакалаврлар касбий фаолиятининг обьектлари**

**5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари)** бакалавриат таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар **касбий фаолиятининг обьектлари**:

- турар-жой бинолари, меҳмонхона, ётокхона, кам ва кўп қаватли турар-жой бинолари, жамоат бинолари, боғчалар, мактаблар, лицей-коллажлар, ОТМ ўқув бинолари, хокимият, давлат бошқарув бинолари, барча турдаги саноат корхоналари бинолари.

**5.3. Бакалаврлар касбий фаолиятининг турлари**

**5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари)** бакалавриат таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар **касбий фаолиятининг турлари**:

- Илмий ва илмий-тадқиқот;
- Лойиҳавий-конструкторлик;
- Ишлаб чиқарши-технологик;
- Фойдаланиши ва сервис;
- Ташкилий-бошқарув кабиларни ўз ичига олади.

**5.4. Бакалаврлар касбий фаолиятининг вазифалари**

**5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари)** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалавр таълим дастурини ўзлаштириш натижасида касбий тайёргарликнинг асосий турлари ва профил тайёргарлигига мос қуйидаги касбий вазифаларни ечиши керак:

**Илмий ва илмий-тадқиқот фаолияти:**

- тадқиқотларни амалга ошириш бўйича ишларда, қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотларни синаш, ишлаб-чиқаришга жорий қилиш билан боғлиқ тадбирлар ўтказишида, шунингдек техник воситалар, тизимлар, жараёнлар, ускуналар ва материалларни стандартлаштириш бўйича бажариладиган ишларда қатнашадилар;
- қурилиш соҳасида юртимизда хамда хорижла эришилган фан ва техника ютукларини, маҳсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганади;
- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва техник ишланмаларни бажаришда катнашади;
- мавзуу (топширик) бўйича илмий-техник маълумотларни йиғади, ишлов беради, таҳлил киласи ва тизимлаштиради;
- илмий-тадқиқот натижалари ва ишланмаларини амалда тадбиқ этишда иштирок этади.

**Лойихавий-конструкторлик фаолияти:**

- турар-жой, жамоат ва саноат бино ва иншоотларини лойихалаш;
- юк кўтарувчи қурилиш конструкциялари ва ускуналарини ҳисоблаш ва лойихалаш;
- ички ва ташки тўсиқ конструкцияларни ҳисоблаш ва лойихалаш.

**Ишлаб чиқариш-технологик фаолияти:**

- қурилиш обьектларида уста (мастер), иш юритувчи (прораб) бўлиб ишлаш;
- қурилиш материаллари ва конструкциялари сифатини назорат қилиш;
- турли қурилиш обьектларининг айрим технологик жараёнларнинг ҳисобий-технологик хариталарини тузиш ва кўллаш;

**Ташкилий-бошқарув фаолияти:**

- конструкторлик бюроси, қурилишда мухандислик, бошқарувчилик;
- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- информацион технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш.

**Фойдаланиш ва сервис фаолияти:**

- бино ва иншоотларни эксплуатация қилиш, техник соз ҳолатда саклаш
- бино ва иншоотлар, уларнинг конструкцияларини техник ҳолатини текшириш ва қолдик ресурсини баҳолаш;
- бино ва иншоотларни ҳамда инженерлик иншоотларини реконструкция, модернизация қилиш, ободонлаштириш.

**5.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

**5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари)** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин қўйидаги:

- 5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (иншоотлар турлари бўйича);
- 5A340202 – Қурилиши ташкил этиши технологияси (турлари бўйича);
- 5A340203 – Инфратузилма обьектларини қуриш (иншоотлар тури бўйича);
- 5A340204 – Қурилиш конструкцияларини лойихалаш;
- 5A340205 – Кўпrikлар, тоннеллар ва метрополитен қурилиши (иншоотлар тури бўйича);
- 5A340206 – Қурилиши иқтисодиёти магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда магистратурада ўқиши давом эттириши мумкин.

Шунингдек, бакалавр белгиланган тартибда олий таълим муассасида ёки илмий-тадқиқот институтларида мустақил изланувчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

**6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар**

**6.1 5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари)** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар:

**а) умумий талаблар:****Бакалавр:**

- дунёқарашибилан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳдил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечеётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- фикрлаш маданиятини эгаллаган бўлиши, оғзаки ва ёзма нутқини аргументланган ҳолда аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф мухитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлиш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорларни қабул қила олиши;
- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги шароитларини умумий баҳолашга қодир бўлиши, ишлаб чиқариш ходимлари ва аҳолини бўлиши мумкин бўлган авариялар, халокатлар, табиий оғатлардан ҳимоя қилиш асосларини ва шикастлашнинг замонавий воситаларини қўллаши, улар оқибатларини бартараф қилишнинг асосий тадбирларини қўллай билиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлиши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- битта хорижий тилни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;
- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишишга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади.

**б) касбий талаблар:****Илмий ва илмий-тадқиқот фаолиятида:****Бакалавр:**

- танланган фаолият йўналишига мос келувчи илмий-техник ахборотлар, илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни билиши;
- берилган услублар бўйича экспериментларни қўйиш ва ўтказиш, лойиҳалашни автоматлаштиришнинг стандартлаштирилган пакетдари асосида математик моделлаштириш усулларини эгаллаган бўлиши;
- интернет тармоғидан энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириб топа олиши;
- бажарилган ишлар бўйича ҳисбот тузиш, берилган услублар бўйича экспериментларни қўйиш ва бажариш усулларини эгаллаган бўлиши лозим.

**Лойиҳа-конструкторлик фаолиятида:****Бакалавр:**

- бино ва иншоотларни архитектуравий лойиҳалаш тамойиллари тўғрисида;

- фукаро ва саноат бино ва иншоотларининг мухандислик тизимлари ва жихозларини лойихалаш борасида тасаввурга эга бўлиши;
- турар-жой, жамоат ва саноат бино ва иншоотларини лойихалашни;
- юк кўтарувчи қурилиш конструкциялари ва ускуналарини автоматлаштирилган лойихалашнинг стандарт воситаларидан фойдаланган холда хисоблаш ва конструкциялаш;
- ички ва ташки тўсиқ конструкцияларни хисоблашни ва лойихалашни.
- лоихавий ва ишчи техник хужжатларини тайёрлаш, якунланган лойихавий-конструкторлик ишларини расмийлаштириш;
- ишлаб чиқилувчи лойихалар ва техник хужжатларни вазифалар, стандартлар, мөъёллар, техник шартлар ва бошқа ижро хужжатларига мувофиқ келишини таъминлаш қобилиятига эга бўлиши лозим.

**Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:**

**Бакалавр:**

- қурилиш обьектларида уста (мастер), иш юритувчи (прораб) бўлиб ишлаш, қурилиш ишлаб чиқаришининг технологик жараёнларини бажариш ва маромига етказиш;
- турли қурилиш обьектларининг айrim технологик жараёнларнинг хисобий-технологик хариталарини тузиш ва кўллаш;
- қурилишда кўлланиладиган материаллар ва конструкцияларнинг сифатини назорат килиш;
- турар-жой, жамоат ва саноат бинолари қурилишида технологик интизомга риоя килининини назорат килиш;
- турар-жой, жамоат ва саноат бинолари қурилишида техник хужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўрикномалар, режалар, сметалар, материал ва жихозларга буортмалар) тузиш;
- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда кўллаш;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва мухитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

**Ташкилий-бошқариш фаолиятида:**

**Бакалавр:**

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат килиш;
- мухандислик ва конструкторлик очимларини амалиётга тадбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил килиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шаронтда бошқарув карорини кабул килиш;
- бирламчи конструкторлик, технологик ёки ишлаб чиқариш звено ишини ташкил килиш ва уни бошқариш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат килиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-мухитни ва меҳнат хавфсизлигини назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиш қобилиятига эга бўлиши керак.

#### **Фойдаланиш ва сервис фаолиятида:**

##### **Бакалавр:**

– турар-жой, жамоат ва саноат бинолари конструкциялари, мухандислик тизимлари ва жихозларини монтаж қилиш, созлаш, синаш ва фойдаланишга топшириш қондларни ва технологиясини билиши;

– технологик таъминлаш жихозлари, ускуналари ва воситаларни синов текшириши усулларини эгаллаган бўлиши;

– турар-жой, жамоат ва саноат бинолар конструкциялар ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини текшириш ва қолдиқ ресурсини баҳолаш усулларини эгаллаган бўлиши лозим.

### **6.2. Таълим дастурлари бўйича билим, малака ва кўнижмаларига қўйилган талаблар**

#### **6.2.1. Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар блоки бўйича талаблар**

*Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар* блоки бўйича талаблар Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тасдиклаган «Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

#### **6.2.2. Математик ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича талаблар**

##### **6.2.2.1. Олий математика фани бўйича**

##### **Бакалавр:**

–математика – дунёни билишнинг ўзига хос усули эканлигини, унинг тушунчалари ва тасаввурларининг умумийлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

–объектларнинг миқдорий ва сифат нисбатларини ифодалаш учун математик символлардан фойдаланиш;

–математик анализ, аналитик геометрия, чизиқли алгебра, комплекс ўзгарувчининг функциялари назарияси, эҳтимоллар назарияси ва статистик математика, дискрет математиканинг асосий тушунчалари ва услубларини;

–функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

–алгебраик тенгламаларни аналитик ва сонли ечиш;

–оддий дифференциал тенгламаларни тадқиқ қилиш, уларни аналитик ва сонли ечиш;

–математик физиканинг асосий тенгламаларини аналитик ва сонли ечиш кўнижмаларига эга бўлиши керак.

#### **6.2.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича**

##### **Бакалавр:**

–компьютер ва унинг қурилмалари, тизимли блокдаги иш тамойиллари (винчестер, маълумотни киритиш, маълумотни текшириш, маълумот олиш);

–дастурний таъминот ва унинг таркиби, дастурлаш тиллари ва уларнинг таснифси, Microsoft Office дастурлар пакети ва унинг таркиби;

–ахборот технологиялари ва тармоқ технологиялари;;

–компьютер график дастурлари имкониятлари, компьютерда график тасвиirlар яратиш ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

–матили ҳужжатлар, электрон жадваллар ва такдимотларни яратишни, маълумотлар базасини яратиш ва уни қайта ишлашин;

–электрон почтадан фойдаланишни ва кўллашни, интернетдан керакли маълумотни кидиришни ва уни қайта ишлашин, маълумотларни саклаш ва қайта ишлаш, импорт ва экспорт қилишни,

- график дастурларни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- турли хил компьютер дастурлари ва редакторлари билан ишлаш;
- илмий-тадқиқот ва таълимга оид иш учун хусусиятгига кўра редакторни кўллаш;
- курс ва диплом лойиха ишларини компьютерда расмийлаштириш ва тақдимотини ўтказиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### **6.2.2.3. Физика фани бўйича**

**Бакалавр:**

- механиканинг физик асослари, статик физика ва термодинамика;
- тебраниш ва тўлқинлар физикаси, акустика;
- электр ва магнетизм, квант физикаси;
- оптика, атом ва ядро физикаси *ҳақида масаввурга эга бўлиши;*
- классик механикада ҳолат тушунчаси, харакат конунлари, сақланиш конунларини, гидродинамика;
- термодинамиканинг уч конуни, ҳолатнинг термодинамик функцияларини, иссилик-масса алмашинуви жараёнларида ўхшашлик назариясини кўллашни;
- вакуумда ва моддада электростатика ва магнитостатикани, гармоник ва ногармоник осциллятор тушунчаларини;
- спектрал ёйилманинг физик маъноси, тебраниш конуниятлари, корпускуляр-тўлкин дуализми, ноаниклик тамойили, квант ҳолатларини;
- акустиканинг физиковий асослари, товушнинг табиатини;
- ёргуликнинг қайтиш ва синиш конунлари, атом тузилиши, атом нурланиш спектридаги конуниятларни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- физиковий моделларни тадқиқ қилиши;
- ишлаб чиқариш жараёнларида ва техниковий объектларда энг оддий физиковий тизимларнинг моделларидан фойдаланиш;
- физика фанининг турли бўлимларига характерли бўлган қийматларнинг сонли тартибини ўлчаш ва баҳолаш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### **6.2.2.4. Кимё фани бўйича**

**Бакалавр:**

- фанинг анорганик, аналитик, органик ва физиковий ва коллоид кимё бўлимлари мазмунни ва уларнинг кўлланиш услублари *ҳақида масаввурга эга бўлиши;*
- анорганик кимё: элементлар даврий тизими, моддаларнинг кислота-асослик ва оксидланиш-қайтарилиш хусусиятлари, кимёвий боғланиш, комплементарлик, комплекс бирикмалар, элементлар кимёси, s-, p-, d- ва f- элементларни;
- аналитик кимё: сифат ва микдорий тахлил, кимёвий тақкослаш, аналитик сигнал, кимёвий, физик-кимёвий, физиковий тахлилни;
- органик кимё: Бутлеровнинг тузилиш назарияси, органик моддаларнинг реакцион қобилияти, органик кимёда изомерланиш ва номланиш, ахборот тахлил, кўзгу (оптик) изометрия, органик бирикмаларнинг асосий синфлари, терпенлар, стероидлар, каротиноидлар, липидлар, углеводлар, азот сақловчи бирикмалар, гетероциклик бирикмалар ва нуклеин кислоталар, олигомер ва полимерларни;
- физиковий ва коллоид кимё; модданинг агрегат ҳолати, кимёвий жараёнлар энергетикаси, эритмалар, дисперс тизимлар, кимёвий кинетика ва катализ, кимёвий ва фазовий мувозанат, электрокимё, коллоид кимёни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- Ўзбекистонда анорганик кимё фани ва кимё саноати, кимёвий тақкослаш, курилиш материаллари ва буюмлари саноатини ва курилиш ишлаб чиқаришини кимёлаштириш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### **6.2.2.5. Назарий механика фани бўйича**

**Бакалавр:**

- назарий механика курсининг асослари *ҳақида масаввурга эга бўлиши;*

—турли хил текисликда ва фазода ихтиёрий жойлашган кучлар тизимлари таъсиридаги каттиқ жисмнинг мувозанат шартлари, каттиқ жисмнинг оғирлик марказини топиш усулларини;

— механик ҳаракатдаги каттиқ жисмнинг ҳаракат шакллари, атроф–мухитда содир бўлаётган ўзгаришларни хисобга олган холда механик ҳаракатнинг қонуниятларини;

—динамиканинг асосий қонун ва тамойиллари, механик тизимларни ҳаракатининг дифференциал тенгламалари, каттиқ жисм динамикасининг умумий теоремаларини;

—амалий масалаларни ечишда курснинг ҳисоб формулаларини;

—механик тизимларнинг ҳисоблаш услубларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

—назарий механика курсида олган билимини муҳандислик ва маҳсус фанларни ўтиш жараёнида қўллаш ва тадбиқ этиш;

—иншоот конструкцияларининг ҳисобий моделларини тўгри танлаш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

#### **6.2.2.6. Экология фани бўйича**

**Бакалавр:**

—биосфера ва инсон, табиатдан фойдаланиш **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

—биосферанинг тузилмаси, экологик тизимлар, муҳит ва организмларнинг ўзаро муносабати, экология ва инсон саломатлиги, атроф–мухитнинг глобал муаммоларини;

—табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг экологик тамойилларини;

—табиатдан тежаб–тергаб фойдаланиш асослари, экологик ҳимоя техникиси ва технологиясини;

—аҳоли яшаш пунктларидаги биомуҳитнинг тўйинганлигини;

—атроф–мухит соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни, бино ва иншоотлар қурилишидаги лойиҳавий ҳужжатларда энергиятежамкор қурилиш материалларини ишлатилишини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

—экологик хукуқ асослари ва касбий масъулият, қурилиш индустрисида экологик масалаларни ечиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

#### **6.2.3. Умумкасбий фанлар блоки бўйича талаблар**

##### **6.2.3.1. Чизма геометрия ва инженерлик графикаси фани бўйича**

**Бакалавр:**

—ортогонал ва марказий проекциялашларга асосланган чизма геометрия усуллари;

—стандартлаш давлат тизими, конструкторлик ҳужжатлар мажмуаси, стандартлар, стандарт буюмлар ва конструкторлик ҳужжатлари турлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

—ортогонал ва аксонометрик проекцияларда соялар, перспектива ясаш ва перспективада соялар ясаш усулларини;

—қурилиш чизмалари турлари ва конструкциялари, техник схемалари, шартли белгиларини;

—проекциялаш усуллари ва лойиҳалаш асосларини;

—геометрик моделлаштириш усулларини;

—аксонометрик ва перспектив тасвирлашни;

—техник чизмалар ва эскизлар ўқиши;

—турли қурилиш чизмаларини ўқиши;

—конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқиши;

—компьютер ёрдамида икки ва уч ўлчамли тасвирлар чизмасини бажаришни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

—чизма геометрия ва инженерлик графикаси қоидалари, усул ва йўриқларини қўллаш;

- проекцион чизмалар, техник схемалар ва эскизларни бажариш;

- Курилиш чизмаларини бажариш;

- комп'ютерда чизмалар ва лойихалар яратиш **қўнижмаларига эга бўлиши керак.**

### 6.2.3.2. Материаллар қаршилиги фани бўйича

**Бакалавр:**

- материаллар қаршилиги фанининг аҳамияти ва вазифалари; конструкция элементлари ва уларнинг ҳисоблаш схемаси; ички кучларни аниқлаш; кесиш усули; кучланиш ва унинг турлари;

- чўзилиш ва сиқилиш; Гук конуни; чўзилиш ва сиқилишга ишлайдиган стерженларни мустаҳкамликка ҳисоблаш; намуналарни синаш орқали механик хусусиятларини аниқлаш **ҳақида масавуррга эга бўлиши;**

- конструкция элементлари ва уларнинг ҳисоблаш схемасини танлашни; ички кучларни аниқлашни; кучланиш ва унинг турларини;

- чўзилиш ва сиқилишга ишлайдиган стерженларни мустаҳкамликка ҳисоблашни; намуналарни синаш орқали механик хусусиятларини аниқлашни;

- текис кесимларнинг геометрик характеристикаларини; силжиш, буралиш ва эгилиш деформацияларини; эгилишда нормал кучланиш бўйича мустаҳкамлик шартини; балканинг эгилишдаги кўчишларини аниқлашни; балканинг бикрлик шартини;

- мураккаб қаршилик; қийшиқ эгилиш; номарказий сиқилиш ва чўзилиш ва сиқилган стерженнинг устиворлигини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- конструкция элементлари ва уларнинг ҳисоблаш схемасини танлашни; ички кучларни аниқлашни;

- чўзилиш ва сиқилишга ишлайдиган стерженларни мустаҳкамликка ҳисоблашни; намуналарни синаш орқали механик хусусиятларини аниқлашни;

- текис кесимларнинг геометрик характеристикалари; силжиш, буралиш ва эгилиш деформациялари; эгилишда нормал кучланиш бўйича мустаҳкамлик шарти; балканинг эгилишдаги кўчишларини аниқлашни; балканинг бикрлик шарти;

- мураккаб қаршилик; қийшиқ эгилиш; номарказий сиқилиш ва чўзилиш ва сиқилган стерженнинг устиворлиги бўйича **амалий қўнижмаларга эга бўлиши керак.**

### 6.2.3.3. Курилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги фани бўйича

**Бакалавр:**

- курилиш механикаси фанининг аҳамияти ва вазифалари; бино ва иншоотларнинг ҳисоблаш схемаси ва уларнинг кинематик анализи; таъсир чизиклар назарияси;

- эластик системаларда кўчишларни аниқлаш; статик ноаник системалар ва уларни ҳисоблаш усулилари ҳамда узлуксиз балкалар;

- статик ноаник стерженли системаларни ҳисоблаш усууллари;

- иншоотларни ҳаракатланувчи юклар таъсирига ҳисоблаш усууллари;

- зилзилаларнинг табиити ва келиб чиқиши сабаблари;

- бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги назариясининг ривожланиши **ҳақида масавуррга эга бўлиши;**

- бино ва иншоотларнинг ҳисоблаш схемасини танлашни ва уларнинг кинематик анализини; таъсир чизиклар назариясини;

- кўп ораликли статик аник балкалар, статик аник текис фермалар ва уч шарнирли системаларни, уларни доимий ва ҳаракатланувчи юклар таъсирига ҳисоблашни;

- эластик системаларда кўчишларни аниқлашни; статик ноаник рамаларни куч ва кўчиш усуулларида ҳисоблашни ва узлуксиз балкаларни ҳисоблашни;

- бинодарни зилзилабардошлика ҳисоблаш усуулларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- статик аник ва ноаник тизимлардаги ички зўрикишлар эпюраларини куриш; таъсир чизиклари ёрдамида ташки юкларнинг нокулай вазиятини аниқлаш; статик ноаник тизимларни кучлар ва кўчишлар усулида ҳисоблаш; бино ва иншоотлар ҳисобий динамик

схемаларини танлаш; ҳудудлар сейсмиклигини баҳолаш ва уларни зилзилавий туманларга ажратиш; сейсмик кучларининг хисобий микдорларини аниқлаш **кўнікмаларга эга бўлиши керак.**

#### 6.2.3.4. Инженерлик геодезияси фани бўйича

**Бакалавр:**

- муҳандислик геодезияси фани ва унда кўрилувчи курилишга оид масалалар;
- геодезик асбобларнинг турлари, уларнинг тузулиши ва ростланиши;
- топографик суратта олишнинг геодезик асослари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- геодезияда кўлланиладиган координатлар тизими ва турли ўлчашларни;
- турли геодезик асбобларнинг вазифалари ва улардан фойдаланиши;
- муҳандислик кидибувларида бажариладиган геодезик ишлар таркибини;
- курилиш лойиҳаларини жойга кўчириш тартибини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- турли геодезик асбоб-ускуналрида ишлай билиш;
- геодезик ўлчашлар натижаларига ишлов бериш;
- бино ва иншоотлар ер ости ва ер усти кисми курилишининг геодезик таъминотини таъминлаш **кўнікмаларига эга бўлиши керак.**

#### 6.2.3.5. Инженерлик геологияси фани бўйича

**Бакалавр:**

- бино ва иншоотларни лойиҳалашда ва куришда геологик маълумотларни, хисботни, харита, кесмаларни таҳлил қилиш бўйича;
- берилган гидрогеологик маълумотларга асосан бино ва иншоотларнинг мустахкамлигини таъминлаш ҳамда тадқикот ва кидибув босқичларига кўйиладиган талаблар бўйича аник **тасаввурга эга бўлиши;**
- ернинг тузилишини, таркибини, минерал ва тог жинсларининг пайдо бўлишини, турларини, таснифини таркибини ва хоссаларини;
- геологик жараён ва ходисалар таснифи ва турларини;
- ер ости сувларининг пайдо бўлишини, таснифи, таркиби, хоссаси, режимини, тарқалиши ва харакат қонуниятларини;
- кидибув ишларининг босқичларини, ҳажмини ва гидрогеологик ишларнинг турларини **билиши ҳамда улардан фойдалана олиши;**
- бино ва иншоотларни куриш, майдон ва ҳудудларда тарқалган минерал ва тог жинсларининг турларини билиш;
- лойиҳада кўрсатилган табиий курилиш ҳом ашёларинининг хусусиятларини фарқ кила олиш;
- геологик, инженер геологик жараён ва ходисаларни ажратса олиш ҳамда уларга карши курашиб **кўнікмаларига эга бўлиши керак.**

#### 6.2.3.6. Курилиш материаллари ва буюмлари фани бўйича

**Бакалавр:**

- “Курилиш материаллари ва буюмлари” фанининг мақсади, вазифалари ва аҳамияти;
- курилиш материаллари ва буюмларини талқиқ қилишининг замонавий усуллари;
- композицион курилиш материалларининг таркиби, нано, микро ва макроструктураси, хоссалари ва уларни тайёрлаш, ресурс ва энергия тежкамкор, экологик ҳавфсиз технологиялари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- курилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқаришда маҳаллий ҳом ашёлар ва иккиласмчи ресурслардан фойдаланиши;
- турли курилиш материаллари ва буюмларининг асосий хоссалари ва кўлланиш соҳаларини;
- табиий тош материалларидан курилишда унумли фойдаланиш;

– минерал ва органик бөгловчи моддалар асосида тайёрланадиган композицион курилиш материалларининг хоссалари ва уларни яхшилаш усулларини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

– курилиш материаллари хоссаларини аниклашнинг стандартлаштирилган усулларини кўллаб, лаборатория синовларини ўтказиш ва олинганд натижаларни тахлил килиш;

– замонавий курилиш материаллари ва буюмлари тўғрисида маълумотлар тўплаш ва уларнинг курилишдаги аҳамияти тўғрисида рефератлар ёзиш;

– курилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқаришин йўлга кўйишида метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва сифат назорати қоидаларига амал килиш **кўнинмаларига эга бўлиши керак**.

#### 6.2.3.7. Архитектура фани бўйича

**Бакалавр:**

– турар-жой ва жамоат биноларининг ўзига хос хусусиятлари, уларга кўйиладиган талаблар;

– биноларнинг ҳажмий-режа ва конструктив счимлари;

– бинолар ва иншоотлар лойиҳалашнинг физик-техник асослари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши**;

– архитектура фанининг моҳияти, тушунчалари ва масалаларини;

– архитектуравий-курилиш лойиҳалаш назарий ва физик-техник асосларини;

– лойиҳалашда типлаштириш, бирхиллаштириш (унификация) ва стандартлаштиришни;

– бинолар зилзилабардошлигини таъминлаш усулларини;

– турли типдаги биноларни лойиҳалаш қоидаларини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

– турар-жой ва жамоат биноларини лойиҳалаш;

– турли типдаги биноларни лойиҳалашда ёнғинга ва зилизилага қарши талабларни эътиборга олиш;

– лойиҳалашда иссиклик техникаси, акустика ва ёргулук техникаси бўйича хисоблашларни бажариш **кўнинмаларига эга бўлиши керак**.

#### 6.2.3.8. Тармоқ иқтисодиёти ва меженмент фани бўйича

**Бакалавр:**

– курилиш тармогининг республикамиз иқтисодиётида тутган ўрни ва ижтимоий-иктисодий аҳамияти **ҳақида тасаввурга эга бўлиши**;

– курилишга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини баҳолашни;

– курилиш ташкилотида ишлаб чиқаришин ташкил килиш иқтисодини;

– курилишда нархни шакллантиришнинг хукуқий – меъёрий асосларини;

– курилиш объектлари қийматини экспертиза қилиш қонуниятлари ва асосларини;

– курилиш ташкилотларида ресурслардан фойдаланиш ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини тахлил қилиш усулларини;

– курилиш ҳажмини хисоблаш, маълумотларни компьютерга киритиши ва униқайта ишлашни;

– курилишда тендер савдоларини ўтказиш қоидаларини;

– раҳбарлик ва бошқариш усулларини;

– бошқарув самарадорлиги мезонлари ва кўрсаткичларини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

– курилиш объектларига оид иқтисодий, статистик ва хисбот маълумотларни йиғиш, кайта ишлаш ва тахлил қилиш;

– курилишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, бошқарув ахборотларини тахлил қилиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш, корхонада ходимлар

билин ишлап, ходимлар фаолиятини ташкил этиш, корхона ички ва ташки мухитларини таҳлил қилиш, низоли вазиятларни бошқара олиш, бошқарув самарадорлигини ошириш, менежментнинг илғор хориж тажрибаларидан фойдалана олиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### **6.2.3.9. Курилишда электр таъминоти фани бўйича**

**Бакалавр:**

- курилишда электр таъминоти системалари ҳақида *тасаввурга эга бўлиши керак;*
- курилиш майдончаларининг электр тармоқларини;
- курилиш машиналарининг электр юритмаларини тушуниши ва электроюритма учун электродвигатель танлашни билиши ва электроюритмаларни бошқариш схемаларини;
- курилишда кўлланидаган электрпайвандлаш курилмаларининг электр жихозларини;
- курилиш майдончаларида кўлланиладиган электр ёритиш системаларини;
- курилиш трансформатор подстанцияларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- курилиш электрқурилмаларида ерга улаш мосламаларидан фойдаланишини билиш ва электрохавфсизликни таъминлай олиш;
- курилишда электроэнергия истеъмоли ва сарф бўлишини хисобга олишини билиш ва электроэнергияни тежаш бўйича тадбир ва чоралар кўра олиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### **6.2.3.10. Курилиш машиналари фани бўйича**

**Бакалавр:**

- курилишда ишларни механизациялаш даражасини оширшинг асосий йўналишлари;
- курилишда машиналар паркини шакллантириш ва самарадорлигини ошириш услублари;
- курилиш машиналарини автоматлаштириш асосларни *хақида тасаввурга эга бўлиши;*
- машина деталларини, асосий умумкурилиш ишларида кўлланиладиган курилиш машиналарини умумий тузилиши, механизм ва мосламаларни ишлари принциплари, кўлланиш соҳаларини;
- курилиш машиналарининг турлари ва уларнинг кисмлари ҳақида умумий маълумотларни;
- курилиш машиналаридан фойдаланишда ҳавфсизлик техникаси талабларини;
- экстремал шароитларда ишлатиладиган курилиш машиналарининг турларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- курилиш машиналарининг асосий кўрсаткичларини, иш унумдорлигини хисоблаш техник-иктисодий кўрсаткичларни таққослаш;
- курилиш монтаж ишларини бажариш учун энг кам сарф талаб киладиган машина ва механизmlарни танлаш;
- курилиш машиналарини ишларни бажариш лойиҳаярида жойлаштириш;
- курилиш машиналарининг механизmlарини хисоблаш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### **6.2.3.11. Муҳандислик тармоқлари ва жиҳозлари фани бўйича**

**Бакалавр:**

- иситиш, марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимлари,
- биноларни сув таъминоти, окова сув тармоқлари ва жиҳозлари;
- совитиш, шамоллатиш тизимлари;
- биноларнинг газ таъминоти *хақида тасаввурга эга бўлиши;*

- марказий иситиш тизимининг иситиш ускуналарини;
- минтақа бўйича (зонали) сув таъминлаш тизими;
- сув ўтқазувчи қувурлар ва арматураларни;
- насос қурилмаларини;
- сантехника жиҳозларини;
- кондиционерларни турлари ва асосий техник тавсифларини;
- газлаштириш тизимларида ишлатиладиган қувурлар ва газ қувурларининг ускуналарини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- бино ва иншоотларнинг муҳандислик коммуникация тизимларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

#### **6.2.3.12. Метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва сифат назорати фани бўйича**

**Бакалавр:**

- метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва сифат назоратининг илмий–техника тараққиётида тутган ўрни, қурилишда метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва сифат назоратининг мамалакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги илмий–амалий аҳамияти;
- рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспортини таъминлаш учун ҳалқаро стандарт талаблари **ҳақида масавурга эга бўлиши;**
- қурилиш конструкцияларини синашда қўлланиладиган ўлчаш назарияси, синаш услублари, синашнинг муқобил шаклларини танлашни;
- метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маҳсулот сифатини таъминлашга оид Ўзбекистон Республикаси қонунларини;
- метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва сифат назоратининг назарий ва амалий асосларини;
- маҳсулот сифатини назорат қилишда синов услублари ва воситаларини танлашни;
- амалий тажриба натижаларини умумлаштира олиши ва таҳлил қилишни;
- тажрибадан олинган натижаларга ишлов бериш усулларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- бино ва иншоотларни лойиҳалашда реал иш шароитларини тўлиқ ҳисобга олиш ҳамда уларни давлат стандартларига мос бўлишини таъминлаш;
- сифатли маҳсулот яратишда, бино ва иншоотлар конструкцияларини синаш бўйича меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;
- сифат ва техника кўрсаткичларини аниглаш, атроф–муҳитга таъсири, техника хавфсизлиги сингари кўрсаткичларни таъминлаш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

#### **6.2.3.13. Қурилиш жараёнлари, бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси фани бўйича**

**Бакалавр:**

- қурилиш жараёнлари, бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси фанининг мақсади ва вазифалари, унинг мутахассисларнинг ишлаб–чиқариш фаолиятида аҳамияти **ҳақида масавурга эга бўлиши;**
- қурилишда ишларни бажариш лойиҳасининг таркиби ва уни ишлаб чиқишининг асосий қоидаларини;
- қурилиш жараёнларини бажарishning календар режаларини тузишни;
- турли қурилиш жараёнлари учун технологик хариталарни ишлаб чиқиши;
- қурилиш жараёнларини бажаришда сифатни назорат қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш қоидаларини;
- ҳажмий–режа ва конструктив ечимлари турлича бўлган бино ва иншоотларни барпо этишнинг технологияларини;

– бино ва иншоотларни барпо этишда курилиш ишларини бажариш лойиҳаси таркибига киравчи хужжатларни ишлаб чиқишни;

– бино ва иншоотларнинг ер ости қисмини барпо қилишда курилиш–монтаж ишларини бажаришни;

– курилиш конструкцияларини монтаж қилишда юк кўтарувчи механизмларни рақобатбардош варианtlарни таққослаш асосида танлашни **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

– курилиш жараёнлари, бино ва иншоотларни барпо этиш технологиясини лойиҳалаш ва амалга ошириш **кўникмаларига эга бўлиши керак**.

#### **6.2.3.14. Металл конструкциялари фани бўйича**

**Бакалавр:**

– металл конструкцияларнинг ишлатилиш соҳалари ва уларнинг асосий элементлари ва бирикмалари;

– пўлат ва алюминий қотишмаларининг кимёвий таркиби, микроструктураси ва физик–механик хоссалари **ҳақида масавурга эга бўлиши**;

– металл конструкцияларни чегаравий ҳолатлар усули бўйича ҳисоблашни;

– металл конструкцияларнинг махаллий ва умумий устиворлигини;

– марказий ва номарказий сиқилган, сиқилган–эгилган стерженларнинг устиворлигини таъминлаш усулларини;

– чўзилиш, сиқилиш ва соф эгилишга ишловчи металл конструкциялар элементларининг мустаҳкамлик мезонларини;

– металл конструкциялар учун руҳсат этилган деформация ва кўчишларни аниқлашни;

– металл конструкциялар элементларининг бирикмалари, бириктириш усуллари ва уларни ҳисоблашни **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

– металл конструкцияларга таъсир қилувчи юклар ва таъсирларни йиғиш, уларни лойиҳалаш ва конструкциялаш **кўникмаларига эга бўлиши керак**.

#### **6.2.3.15. Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар фани бўйича**

**Бакалавр:**

– грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар фанининг замонавий курилишдаги ўрни ва ахамиятини;

– бино ва иншоотларнинг замин ва пойдеворлари, грунтли иншоотларни лойиҳалаш, барпо этиш, уларнинг конструктив элементлари ва ечимларини замонавий ҳисоблаш усуллари **ҳақида масавурга эга бўлиши**;

– замин ва пойдеворлар, грунтли иншоотлар лойиҳалаш ва барпо этишга оид иқтисодий самарадор усуллардан фойдаланиш;

– замин ва пойдеворлар, грунтли иншоотларнинг замонавий шакллари, ҳисоблаш усуллари, ўрнатиш шароитлари ҳакида хорижий технологиялардан хабардор бўлиб, уларни республикамиз шароитига мослаб тадбиқ этиш усулларини ишлаб чиқиш;

– турли грунт шароитларида замин ва пойдеворлар лойиҳалашнинг оптимал нусхасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– эришилган иқтисодий самарадорлик бўйича кутиладиган даромадни ҳисоблаш усулларини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

– бино ва иншоотлар замин ва пойдеворларини, грунтли иншоотларни лойиҳалашни ва барпо этиш **кўникмаларига эга бўлиши керак**.

#### **6.2.3.16. Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги фани бўйича**

**Бакалавр:**

– меҳнат физиологияси асослари ва ҳаёт фаолияти қулай шароитлари;

– антропоген омилларнинг объектлари;

– техникавий тизимлар ҳавфсизлиги ва экологияси **ҳақида масавурга эга бўлиши**;

- меҳнат мухофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгин хавфсизлиги бўйича Узбекистон Республикаси қонунчилиги асосларини;
- меҳнат психофизиологияси асосларини, инсон танаси антропометрик ва анатомик кўрсаткичларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- меҳнат жараёнида инсон саломатлигини ва ишга лаёкатлилигини саклаш, хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора ва тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича;
- мутахассисларга ишлаб чиқаришдаги меҳнат хавфсизлигига оид талабларни ишлаб чиқиш бўйича **кўнинмаларига эга бўлиши керак.**

#### **6.2.3.17. Ёғоч ва пластмасса конструкциялари фани бўйича**

**Бакалавр:**

- ёғоч ва пластмасса конструкцияларни ҳисоблашнинг замонавий усуслари;
- елимланган ёғоч тўсинлар, аркалар ва уларни арматуралаш **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- ёғоч ва пластмасса конструкцияларда кўлланиладиган материалларни;
- ёғоч ва пластмасса конструкцияларни чегаравий ҳолатлар усули бўйича ҳисоблашни;
- ёғоч конструкциялар элементларини бириттириш усусларини;
- ёғоч фермалар ва уларнинг элементларини;
- ёғоч фермаларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш асосларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- ёғоч каркасли саноат биносининг кўндаланг қиркими ва уларда хосил бўладиган кучларни аниқлаш;
- ёғоч ва пластмасса конструкцияларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш **кўнинмаларига эга бўлиши керак.**

#### **6.2.3.18. Таилов фанлари бўйича бакалаврларнинг билим, малака ва кўнинмаларига кўйиладиган талаблар:**

*Таълим ўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда таилов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига кўйилган талаблар OTM Кенгашин томонидан белгиланади.*

#### **6.2.4. Ихтисослик фанлари бўйича талаблар**

##### **6.2.4.1. Саноат бинолари фани бўйича**

**Бакалавр:**

- саноат корхоналари ва ундаги бино ва иншоотларнинг асосий турлари, улардаги технологик жарайслар;
- саноат биноларини унификация, типлаштириш асослари ва йўналишлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- саноат корхоналарининг ишлаб-чиқариш, ёрдамчи ишлаб-чиқариш, энергетика, транспорт, омбор ва ёрдамчи биноларнинг ҳажмий-режавий ечимлари;
- саноат бинолари меморий композициясининг ўзига хос томонлари ва воситалари;
- саноат биноларини лойиҳалашнинг физик-техник асослари;
- бир ва кўп қаватли темирбетон ва метал каркасли ишлаб-чиқариш биноларининг анъанавий ва сингил конструктив ечимларини;
- саноат корхоналарининг ёрдамчи бинолари, уларни жойлаштириш услублари ва конструктив ечимларини;
- саноат корхоналарининг санитария таснифи ва уларни шаҳар худудларида жойлаштириш тамойиллари, бош тархни;
- саноат биноларида кўлланиладиган катта ораликли ва фазовий том ёпмаларнинг конструктив ечимларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

— саноат корхоналарининг бино ва иншоотларини лойихалаш **кўнгилмаларига эга бўлиши керак.**

#### **6.2.4.2. Темирбетон ва тош–гишт конструкциялари фани бўйича**

**Бакалавр:**

- бетон, темирбетон ва олдиндан зўриқтирилган темирбетон ҳамда тош–гишт конструкциялар;
- кесим юзаси тўғри тўртбурчакли ва тавр шаклидаги темирбетон элементларни нормал ва кия кесим бўйича мустаҳкамликка хисоблаш;
- эгилувчи ва сикилувчи темирбетон конструкцияларини мустаҳкамликка ва деформацияга хисоблаш **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- темирбетон ва тош–гишт конструкцияларни чегаравий ҳолатлар усулида хисоблашнинг асосий қоидалари;
- бетон, пўлат арматура ва темирбетоннинг асосий физик-механикавий хоссаларини;
- эгилувчи темирбетон элементлар кучланиш–деформацияланиш ҳолатининг уч боскичини;
- табиий тош, гишт, қоришманинг асосий физик–механик хоссаларини ҳамда тош–гишт деворининг мустаҳкамлигига таъсир кўрсатувчи омилларни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- бир ва кўп қаватли темирбетон каркасли саноат биноларининг кўндаланг рамасига таъсир килувчи юкларни тўплаш;
- бир ва кўп қаватли темирбетон каркасли саноат биноларининг юк кўтарувчи асосий элементларини хисоблаш ва конструкциялаш;
- тош–гишт конструкцияларни чегаравий ҳолат бўйича хисоблаш;
- йигма темирбетон элементлар конструктив чизмаларини расмийлаштириш ва конструкцияларни тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар спецификациясини тузиш **кўнгилмаларига эга бўлиши керак.**

#### **6.2.4.3. Курилишни ташкил этиш ва режалаштириш фани бўйича**

**Бакалавр:**

- бино ва иншоотлар курилишини мэърий хужжатлар талаблари даражасида ташкил этишнинг моҳияти ва аҳамияти;
- курилишни ташкил этиш лойиҳаси (КТЭЛ) ва ишларни бажариш лойиҳасининг (ИБЛ) таркиби ва мазмуни **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- курилиш ишлаб чикиришини ташкил қилиш асосларини;
- курилишни оқим усулида ташкил қилиш асосларини;
- курилишда тўрсимон моделлаштиришнинг тузиш қоидаларини;
- курилиш бош планини лойиҳалаштиришнинг асосий тамоилларини;
- Курилишнинг моддий–техник таъминотини ташкил қилиш тамоилларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- турли курилиш оқимларининг кўрсаткичларини хисоблаш ва улар асоссида графиклар тузиш;
- алоҳида объект курилиши учун тўрсимон графиклар тузиш ва уларни корректировка қилиш;
- алоҳида объект курилишининг бош планини тузиш учун вақтинчалик бино ва иншоотларга ҳамда сув, электр энергияси ва бошқа ресурсларга бўлган эҳтиёжни хисоблаш **кўнгилмаларига эга бўлиши лозим.**

#### 6.2.4.4. Компьютер технологиялари асосида курилиш конструкцияларини хисоблаш фани бўйича

**Бакалавр:**

—уч ўлчамли шакллантириши тезлаштириш билан лойиҳалаш жараёнини такомиллаштириш, танлов лойиҳаларини, ишлаб чиқариш, лойиҳалашни автоматлаштириш тизими ва асосий график дастурлар билан назарий ва амалий танишиш ҳақида масавурга эга бўлиши;

—бино ва иншоотларни виртуал фазода моделлаштириш ва уларни ўзгартиш, реал тасвирларини олиш, бино лойиҳларининг баъзи кўринишларини компьютер техникалари воситалари билан амалга ошириш, рамаларда “M”, “Q” ва “N” эпюраларини куриш ва конструкцияларда ҳосил бўладиган кучланишларни аниқлаш усулларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

—замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиб, иқтисодий жиҳатдан самарали ва техник жиҳатдан асосланган бино ва иншоотлар конструкцияларини хисоблаш ва лойиҳалаш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

### 7. Таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари

**7.1. 5340200 – Бино ва иншоотлар курилиши (саноат ва фуқаро бинолари)** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 4 йил ўқишга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги вақт тақсимотига эга:

Назарий таълим	136 ҳафта
Малака амалиёти	16 ҳафта
Аттестация	19 ҳафта
Битирув иши (ложиҳаси)	5 ҳафта
Таътил	28 ҳафта
<b>Жами</b>	<b>204 ҳафта</b>

**7.2.** Талаба ҳафталик ўқув юкламасининг максимал ҳажми 54 соат, шундан аудиториядаги ўқув юкламаси – 32 соат, қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

**7.3.** Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда таълим дастурининг умумий ҳажми 4 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

**7.4.** Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талabalарнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

**7.5. 5340200 – Бино ва иншоотлар курилиши (саноат ва фуқаро бинолари)** бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг зарурий мазмуни ва компонентлари

**7.5.1. Гуманитар ва ижтимоий–иктисодий фанлар блоки мазмуни ва компонентлари**

Гуманитар ва ижтимоий–иктисодий фанларнинг зарурий **мазмуни ва компонентлари** «Гуманитар ва ижтимоий–иктисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

## 7.5.2. Математик ва табиий–илмий фанлар блоки мазмуни ва компонентлари

### 7.5.2.1. Олий математика:

*алгебра*: асосий алгебраик тузилмалар, айрим векторли фазовий ва чизиқли ифодалар, Буль алгебраси;

*геометрия*: аналитик геометрия, кўп ўлчамли Евклид геометрияси, чизиқлар ва сиртларнинг дифференциал геометрияси, топология элементлари;

*дискрет математика*: мантиқий хисоблашлар, графлар, алгоритмлар назарияси;

*анализ*: дифференциал ва интеграл хисоб, функциялар назарияси ва функционал анализ элементлари, комплекс ўзгарувчининг функциялари назарияси, дифференциал тенгламалар;

*эҳтимоллар назарияси ва статистика*: эҳтимоллар назариясининг математик асослари, тасодифий жараёнларнинг моделлари, фаразларни текшириш, юқори тартиб ўхшатишлар тамойили, экспериментал маълумотларга ишлов беришнинг статистик усуллари.

### 7.5.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари:

*информатика*: тушунчаси ва мохияти; информатиканинг асоси ва унинг замон тараққиётидаги ахамияти; ахборот, ахборотлаштириш; ахборотларни ўлчов бирликлари; ахборот тўплаш, узатиш, қайта ишлаш ва жамғариш жараёнларининг умумий тавсифи ва қайта ишлаш технологиялари; компьютернинг дастурий таъминоти, таркиби, операцион тизимлар, амалий дастурлар пакети; алгоритм, унинг хоссалари, турлари ва берилиш усуллари; дастурлаш тиллари;

*ахборот технологиялари*: тушунчаси, таърифи ва турлари; ахборот тизимлари ва ахборот технологияларининг боғланиши; бошқариш ахборот технологиялари; тармоқ технологиялари, компьютер тармоқларида маълумотлар билан ишлаш технологиялари; Интернет тармоғига уланиш усуллари; Web-дизайн ва браузерлар; Web-саҳифалар ва уларга мурожаат; Web-серверлар; компьютер графикасининг асосий тушунчалари, турлари; тасвирларни тузиш усуллари; рангли моделлар; график файллар турлари; тасвирлар хусусиятлари; дастурий таъминот; AutoCAD график дастури; ишчи стол; менюлар; график примитивлар; чизиклар чизиш; 3D Studio MAX дастури ҳақида тушунчалар; уч ўлчамли графика ва анимация асослари; интерфейс элементлари; Corel DRAW дастури; дастурнинг йўналишлари; максад ва бажарадиган вазифалар; Corel DRAW хужжатлари.

### 7.5.2.3. Физика:

*механиканинг физик асослари*: классик механикада ҳолат тушунчаси, ҳаракат қонунлари, сакланиш қонунлари, релятивистик механика асослари, механикада нисбийлик тамойили, қаттиқ жисм, суюқлик ва газлар кинематикаси ва динамикаси;

*статик физика ва термодинамика*: термодинамиканинг уч қонуни, ҳолатнинг термодинамик функциялари, фазавий мувозанатлар ва фазавий ўзгаришлар, мувозанатсиз термодинамика элементлари, кинетик ҳодисалар, конденсациялашган ҳолат;

*электр ва магнетизм*: вакуумда ва моддада электростатика ва магнетостатика, интеграл ва дифференциал кўринишдаги Максвелл тенгламалари, квазистационар токлар, электромагнетизмда нисбийлик тамойили, зарядланган зарралар тизимлари;

*тебраниш ва тўлқинлар физикаси*: тўлқин жараёнлари кинематикаси, гармоник ва ногармоник осциллятор, спектрал ёйилманинг физикавий маъноси, тўлқинлар интерференцияси ва дифракцияси;

*квант физикаси*: корпускуляр–тўлқин дуализми, ноаниқлик, квант ҳолатлари, ёруғликнинг суперпозиция тамойили, ҳаракатнинг квант тенгламалари, атомлар ва молекулаларнинг энергетик спектри, кимёвий боғланиш табиати.

### 7.5.2.4. Кимё:

*кимёвий тизимлар*: эритмалар, дисперс тизимлар, электркимёвий тизимлар, катализаторлар ва каталитик тизимлар, полимерлар ва олигомерлар;

**кимёвий термодинамика ва кинематика:** кимёвий жараёнлар энергетикаси, кимёвий ва фазовий мувозанат, реакция тезлиги ва уни бошқариш методлари, тебранувчи реакциялар;

**моддаларнинг реакцияга киришиш қобиляти:** кимё ва элементларнинг даврий тизими, моддаларнинг кислотали-асосли ва оксидланиш-кайтарилиш хоссалари, кимёвий боғланиш, комплиментарлик;

**кимёвий идентификация:** сифатий ва микдорий таҳлил, аналитик сигнал, кимёвий, физикавий-кимёвий ва физикавий таҳлил.

#### 7.5.2.5. Назарий механика:

**статика:** статика тушунчалари, статика аксиомалари, кесишувчи кучлар тизими, кесишувчи кучлар тизимининг геометрик ва аналитик мувозанат шарти, жуфт кучлар назарияси, кучнинг нуктага ва ўкка нисбатан моменти, текисликда ва фазода ихтиёрий жойлашган кучлар тизими, текисликда ва фазода ихтиёрий жойлашган кучлар тизимининг мувозанат шарти, параллел кучлар маркази, оғирлик маркази;

**кинематика:** нукта харакати берилишининг усуллари, нукта тезлиги ва тезланиши, нуктанинг оддий харакати турлари, нуктанинг мураккаб харакати, текис параллел харакат, каттиқ жисм кинематикаси (каттиқ жисмнинг оддий, текис ва сферик харакати), каттиқ жисмнинг мураккаб харакати;

**динамика:** нукта динамикаси, инерцион ва поинерцион хисоб тизимларида нукта харакатининг дифференциал тенгламалари, қаттиқ жисм динамикаси (илгариланма, текис ва айланма харакатларнинг динамик тенгламалари, Эйлернинг динамика ва кинематика тенгламалари, Даламбер тамойили, динамик реакциялар), қаттиқ жисм динамикасининг умумий теоремалари, аналитик механика асослари (динамиканинг умумий тенгламаси, эҳтимолли силжиш тамойили, Лагранж тенгламаси), механик тизимлар тебранишлари ва турғунлиги.

#### 7.5.2.6. Экология:

**биосфера ва инсон:** биосферанинг тузилмаси, экологик тизимлар, мухит ва организмларнинг ўзаро муносабати, экология ва инсон саломатлиги, атроф-мухитнинг глобал муаммолари;

**табиатдан фойдаланиш:** табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг экологик тамойиллари, табиатдан тежаб-терраб фойдаланиш асослари, экологик химоя техникаси ва технологияси, экологик хуқуқ асослари ва касбий масъулият, атроф-мухит соҳасида ҳалқаро ҳамкорлик.

#### 7.5.3. Умумкасбий фанлар блоки мазмуни ва компонентлари

##### 7.5.3.1. Чизма геометрия ва инженерлик графикаси:

**чизма геометрия:** фазовий шаклларни текисликда тасвирашнинг проекциялар усули; нукта, тўғри чизик ва текисликларнинг ўзаро тегишлигига оид масалалар, масалани ечиш алгоритмлари; ўлчами аникланадиган (метрик) масалалар; ортогонал проекцияларни қайта тузиш усуллари; кўпёкликлар, кўпёклиларни текислик ва тўғри чизиклар билан кесишуви; эгри чизиклар; сиртлар; айланиш сиртлари; чизикили сиртлар; винтли сиртлар; циклик сиртлар; сиртдаги нукталар ва чизиклар, сиртларнинг кесишуви, ёйилма, умумлашган позицион масалалар; аксонометрик проекциялар;

**инженерлик графикаси:** стандартлашнинг давлат тизими, конструкторлик ҳужжатларининг мажми; давлат стандартлари; форматлар; масштаблар; чизиклар; шрифтлар; деталларга ўлчамлар кўйиш усуллари ва белгилари; геометрик моделлаштириш асослари, проекциялар ва проекциялаш турлари, комплекс чизма, чизмани қайта ҳосил килиш, тасвиirlар (кўринишлар, киркимлар, кесимлар), аксонометрик тасвиirlар, деталларнинг чизмалари ва эскизлари, чизма бўйича ўкиш ва деталлаштириш, ажralадиган (резьбали, шлицали, шпонкали) ва ажralтмайдиган бирикмалар; курилиш чизмалари (план, фасад, ён фасад киркими; ёғоч, темирбетон ва темир конструкциялари).

### 7.5.3.2. Материаллар қаршилиги:

Асосий тушунчалар. Кириш. Материаллар қаршилиги фанинг мақсади ва вазифалари. Конструкция элементлари ва уларнинг ҳисоблаш схемаси. Ташки юклар ва уларнинг турлари. Материаллар қаршилигига қабул қидинган гипотезалар (фаразлар). Ички кучларни аниқлаш. Кесиш усули. Кучланиш ва унинг турлари.

Чўзилиш ва сиқилиш. Бўйлама куч. Бўйлама ва кўндаланг деформациялар. Гук қонуни. Стержень кўндаланг кесимидағи кучланишлар. Намуналарни синаш орқали механик хусусиятларини аниқлаш. Чўзилиш ва сиқилиш диаграммаси. Стерженнинг хусусий оғирлиги. Чўзилиш ва сиқилишга ишлайдиган стерженларни мустаҳкамликка ҳисоблаш. Чўзилиш ва сиқилишда статик ноаниқ масалалар.

Силжиш. Соф силжиш. Силжишдаги деформациялар. Силжишда Гук қонуни. Силжиш ва чўзилиш (сиқилиш) даги эластиклик модулларининг ўзаро муносабатлари.

Текис кесимларнинг геометрик характеристикалари. Текис кесим юзасининг статик моментлари. Кесимнинг ўқларга нисбатан инерция моментлари. Кутб ва марказдан қочма инерция моментлари. Оддий кесимларнинг инерция моментлари. Текис кесим юзасининг марказий ўқларига параллел ўқларга нисбатан инерция моментлари. Координата ўқлари бурилганда инерция моментларининг ўзгариши. Бош инерция моментлари. Бош инерция ўқлари. Мураккаб кесимнинг инерция моментларини аниқлаш.

Буралиш. Буровчи момент ва унинг эпюрасини чизиш. Доиравий кўндаланг кесимли стерженнинг буралиши.

Эгилиш. Асосий тушунчалар. Эгилишдаги ички кучлар. Эгувчи момент, кўндаланг куч ва тарқалган куч интенсивлиги орасидаги дифференциал боғланишлар. Соф тўғри эгилиш. Нормал кучланишларни аниқлаш. Балканинг нормал кучланиш бўйича мустаҳкамлик шарти. Балкани эгилишдаги мустаҳкамликка ҳисоблаш. Тўғри эгилиш. Уринма кучланишларни аниқлаш. Балканинг уринма кучланишлар бўйича мустаҳкамлик шарти. Балканинг эгилишдаги кўчишларини аниқлаш. Асосий тушунчалар. Балка эгилган ўқининг дифференциал тенгламаси. Балканинг кўчишларини бевосита интеграллаш усули билан аниқлаш. Балканинг кўчишларини бошланғич параметрлар усули билан аниқлаш. Балканинг бикрлик шарти.

Мураккаб қаршилик. Қийшиқ эгилиш. Қийшиқ эгилишда кучланишларни аниқлаш. Қийшиқ эгилишда балка кўндаланг кесими нейтрал ўқининг ҳолатини аниқлаш. Номарказий сиқилиш ва чўзилиш. Нормал кучланишларни аниқлаш. Нормал кучланишлар эпюраси. Нейтрал ўқининг ҳолатини аниқлаш. Кесим ядрори.

Сиқилган стерженнинг устиворлиги. Асосий тушунчалар. Бўйлама эгилиш. Критик кучни аниқлашнинг Эйлер формуласи. Стержень учлари маҳкамланиш турларининг критик куч қийматига таъсири. Эйлер формуласининг кўлланилиш чегараси.

### 7.5.3.3. Курилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги:

Курилиш механикаси фанинг аҳамияти ва вазифалари. Бино ва иншоотларнинг ҳисоблаш схемаси ва уларнинг турлари. Бино ва иншоотларнинг кинематик анализи.

Кўп оралиқли статик аниқ балкалар. Кўп оралиқли статик аниқ балкаларни ҳисоблаш.

Таъсир чизиклар назарияси. Ҳаракатланувчи юкларга ҳисоблаш ҳақида тушунча. Таънч реакциясининг таъсир чизиклари. Оддий балка зўриқишиларининг таъсир чизиклари. Таъсир чизиклари ёрдамида зўриқишиларни аниқлаш. Кўп оралиқли статик балка зўриқишиларининг таъсир чизиклари.

Статик аниқ текис фермалар. Ферма турлари. Текис фермаларни доимий юклар таъсирига ҳисоблаш. Тугунни ажратиш усули. Момент нуқтаси усули. Проекция усули. Ферма стерженлари зўриқишиларининг таъсир чизиклари.

Уч шарнирли системалар. Таънч реакцияларини аниқлаш. Уч шарнирли аркаларни доимий юклар таъсирига ҳисоблаш. Арка ўқининг рационал шаклини танлаш. Уч шарнирли арканинг таънч реакцияси ва зўриқишиларининг таъсир чизиклари.

Эластик системаларда кўчишларни аниқлаш. Кўчишларни аниқлашнинг умумий формуласи. Кўчишларни аниқлашнинг Верешчагин усули.

Статик ноаниқ системалар. Статик ноаниқлик даражаси. Статик ноаниқ системаларни ҳисоблаш усуллари.

Статик ноаниқ рамаларни куч усулида ҳисоблаш. Куч усулининг асосий системасини танлаш. Куч усулининг каноник тенгламаси. Натижавий эгувчи момент эпюрасини чизиш. Кўндаланг ва бўйлама куч эпюраларини чизиш.

Узлуксиз балкалар. Узлуксиз балкаларни куч усулида ҳисоблаш. Узлуксиз балкаларни уч моментлар тенгламаси ёрдамида ҳисоблаш. Узлуксиз балкаларни момент фокуслари усулида ҳисоблаш.

*Иншоотлар зилзилабардошлиги* фанининг аҳамияти ва унинг вазифалари. Бино ва иншоотлар зилзилабардошлиги фанининг ривожланиши.

Иншоотлар динамикаси асослари. Бино ва иншоотларнинг динамик ҳисоблаш схемаларини танлаш. Эркинлик даражаси бирга тенг бўлган системаларнинг хусусий ва мажбурий тебранишлари. Резонанс ҳолати. Эркинлик даражаси чекли бўлган системаларнинг хусусий ва мажбурий тебранишлари.

Зилзилалар ва уларнинг асосий характеристикалари. Зилзиланинг содир бўлиш сабаблари ва турлари. Зилзилаларнинг бино ва иншоотларга таъсири. Сейсмик тўлқинлар. Сейсмик тебранишларни ёзиб оловчи асбоблар. Зилзила кучи ва энергияси. Баъзи кучли зилзилаларнинг оқибатлари. Каркас, ғиштли ва йирик панелли биноларнинг кучли зилзилалардан шикастланиши. Сейсмик шкалалар.

Иншоотлар зилзилабардошлиги назариясининг ривожланиши. Сейсмик кучларни аниқлашнинг статик усули. Омори назарияси. Сейсмик кучларни аниқлашнинг динамик назарияси. Сейсмик кучларни аниқлашнинг спектрал усули. Биноларни зилзилабардошлика ҳисоблашда ҳисоблаш схемасини танлаш. Турли конструктив ечимга эга бўлган бино ва иншоотларни зилзилабардошлика ҳисоблашнинг амалий усуллари. Сейсмик кучларни меъёрий хужжат (КМК 2.01.03-96) бўйича аниқлаш.

Зилзилабардош бино ва иншоотларни лойиҳалашнинг умумий қоидалари. Каркас бинолар зилзилабардошлиги. Ғишт деворли бинолар зилзилабардошлиги. Йирик панелли бинолар зилзилабардошлиги. Маҳаллий материаллардан курилган хусусий уйларнинг зилзилабардошлиги.

Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини экспериментал усуллар билан аниқлаш. Иншоотларни динамик таъсирга синаш.

Курилиш монтаж ишлари ва қурилиш ашёлари сифатининг бино ва иншоотлар зилзилабардошлигига таъсири.

#### 7.5.3.4. Инженерлик геодезияси:

муҳандислик геодезия фани ва қурилиш масалалар, геодезия ва унинг масалалари, Ер шакли ва ўлчамлари, геодезияда қўлланиладиган координаторлар тизими, баландлик тизимлари, чизикларни мўлжаллаш; бурчаклар, масофалар ва ортиш ўлчамлари, топографик хариталар ва режалар, уларнинг масштаблари ва таснифи, иншоотларни лойиҳалашда харита ва режалардаги вазият тасвиридан фойдаланиш, хариталарда ва режаларда ечиладиган масалалар, ўлчашлар ҳақида умумий маълумотлар, ўлчов бирлиги, ўлчаш аниқлиги ҳақида тушунча, ҳатолар таснифи ва улар таъсирининг заифланиш усуллари, қўйилмалар, допуски бурчакларни ўлчаш; геодезия асбоблари: теодолитлар, таснифи ва тузилиши, горизонтал ва вертикал бурчакларни ўлчаш, чизикили ўлчашлар, ўлчов асбоблари; нивелирлаш, нивелирлаш турлари, нивелирлаш асбоблари, нивелирларни текшириш, нивелирлаш синфлари, техникавий нивелирлаш, ўлчамларнинг натижаларига математик ишлов бериш, топографик суратга олишлар, қуюқлантиришнинг геодезик турлари ва суратга олиш учун геодезик асос; суратга олиш ҳақида тушунча, топографик суратга олиш турлари: горизонтал, тахеометрик ва сиртни нивелирлаш, қурилиш ва режалаштириш лойиҳаларини кўчириш, бино ва иншоотларнинг ер ости, ерусти қисмларининг қурилишини геодезияк таъминоти, бино ва иншоотлар

курилмаларининг чўкишлари ва силжишларини кузатишлар; аэрогеодезия усуллари, фотосуратта олиш

#### 7.5.3.5. Инженерлик геологияси:

**кириши.** Инженерлик геологияси фанининг вазифаси, тармоклари ва бошка фанлар билан багликлиги. Ишоотлар куришда инженерлик геологиясининг аҳамияти.

**ернинг таркиби ва тузилиши.** Ернинг шакли, геосфера. Ер қобигининг таркиби. Ернинг иссиқлик режими ва унинг курилишга таъсири. Минералларнинг пайдо бўлиши, тузилиши, турлари. Тоғ жинсларини хосил килувчи асосий минераллар уларнинг тузилиши, турлари, хоссалари, кимёвий таркиби курилишда ишлатиш усуллари.

**тог жинслари.** Тог жинсларининг пайдо бўлиши ва генетик таснифи. Магматик тог жинсларининг пайдо бўлиши, минералогик таркиби, структура ва текстураси, турлари, табиятта ётиш шакллари, курилиш хоссалари.

Чўкинди ва метоморфик тог жинсларининг пайдо бўлиши, минералогик таркиби, структура ва текстураси, ётиш шаронти ва таснифи.

**ер ости сувлари.** Гидросфера, табиятда сувнинг айланиши ва ер ости сувларининг таснифи. Ер ости сувларининг турлари.

ер ости сувларининг харакат конуни. Дарси конуни. Сув чиқарувчи ишоотлар, уларнинг турлари, уларга оқиб келувчи сувнинг миқдорини аниқлаш.

**Грунтлар.** Грунтларнинг таркиби, физик-механик хоссалари. Тог жинсларининг инженер-геологик таснифи. Лёсс ва лёссимон жинсларнинг чўкувчаник хусусияти. Чўкувчаникни хисоблаш ва баҳолаш

**Инженер-геологик қидирав ишлари.** Инженер-геологик қидирав ишларининг мақсади, вазифаси, ҳажми, турлари. Инженер-геолгик хисобот ва унинг таркиби ва мазмуни.

#### 7.5.3.6. Курилиш материаллари ва буюмлари:

курилиш материалларининг асосий хоссалари, материал хоссаларини аниқлаш, курилиш материалларининг тадқиқотлари, материал тузилишлари ва хоссалари, материал мустахкамлигини аниқловчи бузмайдиган усуллари, табиий тош материаллар, тог жинси минераллари; тог жинсларининг отилиб чиккан, чўкма ва метаморфик турлари, курилишда тог жинсларидан фойдаланиш; курилиш керамикаси ва минерал эритиш буюмлари; шиша турлари ва курилишда кўлланиладиган шиша буюмлар, ноорганик боғловчи моддалар, ҳавойи боғловчи моддалар таснифи, курилиш оҳаги, ганчли боғловчи моддалар, минерал боғловчи моддалар қотиши жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, портландцемент, цементнинг кимёвий ва минералогик таркиби, портландцемент олиш технологияси, курилишда ишлатиладиган цемент турлари; бетонлар, таснифланиши, оддий оғир бетон, бетонларни тайёрлаш учун материаллар, бетон коришмаси ва бетоннинг хоссалари; курилиш коришмалари, таснифи, коришма хоссалари; курилишда кўлланиладиган коришма турлари; автоклавда котадиган силикат буюмлар; ҳарорат ва босим таъсиридаги оҳакли-қумтупроқ композициялар; ёғочли курилиш буюмлари, акустик ва иссиқни ўтказмайдиган материаллар, органик боғловчи моддалар ва улар асосидаги материаллар, металли курилиш буюмлари; полимер курилиш материаллари; курилиш учун пластмасса буюм турлари; пардоzlаш, сувни ва иссиқни ўтказмайдиган пластмасса материаллари; лок-бўёқ материаллари, боғловчи пигментлар ва бошка таркибий кисмлар; саноат ва қишлоқ хўжалик чиқинилари, улардан курилиш материалларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш; метал технологиясининг асослари ва хоссалари, пўлатлар ва қотишмалар, таснифланиши, тамғалаш, пайвадлаш технологияси, арматурали пўлатни ва ўрнатиш кисмларини пайвандлаш учун жихозлар.

#### 7.5.3.7. Архитектура:

Архитектура фанининг моҳияти, тушунчалари ва масалалари, архитектура-курилиш лойиҳалаш асослари, бинолар тўғрисида тушунчалар, биноларга кўйиладиган асосий талаблар, курилишда бирхиллаштириш (унификация), типлаштириш, ва стандартлаштириш, ягона модуль тизими (ЯМТ); лойиҳавий ва конструктив счимлар,

биноларнинг асосий конструктив элементлари. Архитектуравий композиция тушунчаси. Биноларнинг ҳажмий-режа ечимлари: секцияли, коридорли, галереяли, запли, анфиладали тизимлар. Лойихалашнинг физик-техник асослари: қурилиш икlimшуносиги; қурилиш иссиклик техникаси: стационар иссиклик оқими шароитида бино тўсиқ конструкциялари орқали иссиклик узатилиши; иссиклик ҳимоя даражасига мос равища бинолар бир қатламли, кўп қатламли, бир жинсли бўлмаган ташки тўсиқ конструкцияларини иссиклик узатишга каршилиги ва иссиклик устиворлиги ҳисоблаш; ностанционар иссиклик оқими шароитида ташки тўсиқ конструкцияларининг ишлаши; бинолар конструкцияларининг намлик холати ва уни ҳисоблаш; намлик ҳолатини яхшилаш тадбирлари; ташки тўсиқ конструкцияларининг ҳаво ўтказувчанилиги ва шамоллатиш тадбирлари; бино ва ишоотларни табиий ёритиши ва ёритилганликни ҳисоблаш; биноларнинг инсоляцияси; бинолардаги шовкинлар ва шовкинлан ҳимоялаш тадбирлари, ҳаво ва зарба шовкинидан товуш изоляцияси; зал хоналарининг акустик сифатларини лойихалаш.

Туар-жой биноларини лойихалаш асослари: таснифи, уларни лойихалаш мъёрлари ва кондалари, ҳажмий-режалашга кўйилган талаблар; шаҳарсозлик талаблари; ёнгин ҳавфсизлиги ва зилзилабардошлиқ талаблари: хонадон (квартира)лар, уларнинг турлари, лойихалаш мъёрлари, ётокхоналар, меҳмонхоналар, қариялар ва ногиронлар йи-интернатлари, кам қаватли, кўп қаватли ва баланд туар-жой бинолари. Биноларнинг конструктив ечимлари: конструктив система ва схемалари, қурилиш системалари, уларни танлаш ва асослаш, горизонтал ва вертикаль юк кўтарувчи конструкциялар, замин ва пойдеворлар, деворлар ва алоҳида таянчлар, ораёнмалар ва поллар, пардеворлар, дераза ва эшиклар; ёгоч стропилали томлар, зиналар, лифтлар ва пандуслар; чиниди ташлагичлар.

Йирик элементлардан барпо этиладиган бинолар: йирик блокли бинолар ва уларнинг конструктив ечимлари; каркассиз йирик панелли бинолар ва уларнинг конструктив ечимлари; каркас-панелли бинолар ва уларнинг конструктив ечимлари; ҳажмий блоклардан барпо этиладиган бинолар: ҳажмий блокларга бўлиш тизимлари, блокларнинг турлари ва конструктив технологик ечимлари; куйма (монолит) ва йигма-куйма бетонли бинолар; уларнинг конструктив схемалари ва технологик ечимлари; йигма темирбетон томлар.

Жамоат бинолари: вазифаси бўйича таснифи, уларни лойихалаш мъёрлари ва кондалари, жамоат биноларининг асосий, ёрдамчи ва коммуникация хоналари; зал типидаги хоналарда кўриш ва кўриниш; кўриш ва кўринишнинг геометрик шартлари; зал профилини лойихалаш, санитария-гигиена, ёнгин ҳавфсизлиги талаблари; жамоат биноларининг биноларнинг инженер-техник жиҳозлари, эскалаторлар, биноларнинг шамоллатиш мосламалари; катта ораликли зал хоналари томларининг юк кўтарувчи конструкциялари: йирик ўлчамили плита-настиллар; тўсинилар ва фермалар; рамалар ва аркалар; ўзаро кесишган тўсинилар ва фермалар; структурални конструкциялар; букма конструкциялар; цилиндрик ва параболик сводлар; бочкасимон ва елкансимон қобиқ конструкциялар; гумбаз (купол)лар; осма конструкциялар. Кўп қаватли туар-жой ва жамоат биноларининг темирбетој ва металл каркаслари.

#### 7.5.3.8. Тармоқ иқтисодиёти ва менежмент:

Курилиш тармоғининг мамлакатимиз иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти; капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва муаммолари; баҳони шакллантиришнинг умумий масалалари; қурилишда нархларни шакллантириш усуслари; иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестиция сиёсати; давлат инвестиция дастурларини шакллантириш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш; Республикада марказлаштирилган капитал кўйилмалар ҳисобига инвестиция лойихаларини шакллантириш; инвестицион-қурилиш фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши; Ўзбекистон Республикасида капитал қурилишда баҳони шакллантириш сиёсати, қурилиш ташкилотида ишлаб чиқаришни ташкил этиш иқтисоди ва режалаштириш; қурилиш корхонасининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳияти ҳамда ундан оқилона фойдаланиш йўллари; қурилиш корхонаси асосий фондлари ва айланма

маблаглари; курилиш машина ва механизмларидан фойдаланиш харажатларини шакллантириш; курилишда меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлиги; асосий иш ҳақи харажатлари ва уларни шакллантиришга таъсир қилувчи омиллар; курилишда меҳнат муносабатлари ва кадрлар салоҳитини такомиллаштириш муаммолари; курилишда меҳнатга ҳақ тўлаш; курилиш индустриясини корхоналарини модернизациялаш; курилишини бошқаришнинг замонавий тизими; корхоналар моддий-техника базасини ривожлантириш; курилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари харажатлари; ускуналар, мебель ва инвентарлари харажатлари; курилишда ишлаб чиқаришини концентрациялаш; курилиш соҳасида ихтисослаштириш ва кооперациялаш; курилиш баҳосини шартномавий жорий нарҳда аниқлаш қондлари курилиш объектлари смета кийматини шакллантириш; курилиш маҳсулотининг танинхи; фойда ва рентабеллик; курилишини лойиҳалаштириш иктисодиёти; курилиш-монтаж ишларида пудратчининг бошқа харажатлари ва уни хисоблаш; курилишда лойиҳа счимларининг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини баҳолаш; буюртмачининг бошка харажатлари. капитал курилишда шартнома муносабатлари ва тендер савдолари; капитал курилишда танлов савдолари ва уларни ўтказиш тартиби.

Менежмент асослари фанининг предмети, мазмуни ва вазифалари. Менежмент назарияси ва амалиётининг ривожланиши, унинг шаклланиш боекичлари. Бошқариш усувлари. Менежментда ахборот таъминоти. Тизим тўғрисида тушунча. Менежментда тизимли ва вазиятли ёндашув. Менежментда қарор қабул қилиш. Менежмент маданияти ва услублари. Бошқарувнинг ташкилий тузилиши тўғрисида. Бошқариш қонунлари ва тамоиллари тўғрисида. Низо ва стрессларни бошқариш. Маркетингни бошқаришни ташкил этиш. Ходимларни бошқариш тизими, тамоиллари ва самарадорлиги. Корхонанинг ички ва ташки мухитларига таъсир этувчи омиллар. Менежментда режалаштириш ва унинг турлари. Давлат менежменти тушунчаси. Менежмент самарадорлиги тушунчаси. Бозор иктисодиёти шароитида менежментнинг хуқукий асослари.

#### **7.5.3.9. Курилишда электр таъминоти:**

*Ўзгармас ток чизиқли электр занжирлари:* ўзгармас ток электр генераторлари, истемолчилари ва уларнинг кўлланилиш соҳалари, мураккаб электр занжирларини хисоблаш усувлари; Кирхгоф қонунларини кўллаш, контур токлари, тугун потенциаллари, устма-устлаш (суперпозиция) ва эквивалент генератор усувлари;

*Бир фазали ўзгарувчан ток электр занжирлари:* энергия тебраниши, кувватнинг ўртача қиймати, актив, реактив ва тўла кувват хақида тушунча, кувватлар учбurchаги, ўзгарувчан ток занжирининг кувват көзфициенти ва уни ошириш усувлари;

*Электр таъминоти асослари:* электр энергиясини узатиш ва тақсимлаш, электр тармоқларининг схемалари, курилиш ишлари технологияси, курилиш объектлари электр таъминоти системаси, курилиш электр таъминоти системаларида истемолчилар ва электркабул қилгичлар;

*Электр таъминотининг уч фазали системаси:* электр таъминотининг уч фазали системаси, тежамлилик талаби, кучланишнинг ўзгармаслиги, эксплуатация хавфсизлиги, электр таъминоти схемаси;

*Курилиш трансформатор подстанциялари:* трансформатор подстанцияларининг вазифаси ва таснифи, курилиш майдончалари подстанцияларининг трансформаторларини тандаб олиш, трансформатор подстанциялари жойлаштириладиган ерни тандаб олиш, электр ўлчашлар ва электр қурилмалардаги электр энергиясини хисобга олиш, курилиш майдончаларининг электростанциялари;

*Курилиш майдончаларининг электр тармоқлари:* йўл қўйиладиган кизиш бўйича симларни хисоблаш, йўл қўйиладиган кизиш ва йўл қўйиладиган кучланиш йўқотилиши бўйича симларнинг кўндаланг кесимини хисоблаш;

*Курилишда электр юритма:* электр юритма турлари, таснифи ва иш режимлари, электродвигателларнинг қизиши ва совутилиши, турни иш шарондлари учун

электродвигателнинг турини ва кувватини танлаш, электр машиналарининг эксплуатацияси;

*Электрлаштирилган кўл машиналари ва электр асбоблар:* электр пайвандлаш турлари, пайвандлаш трансформаторлари, пайвандлаш ишларининг электр хавфсизлиги, юк кўтариш машиналари электр ускуналарининг ишлари хусусиятлари, юк кўтариш машиналарини монтажи ва эксплуатацияси пайтидаги электр хавфсизлик кондалари, кўл электр машиналарининг эксплуатацияси, ремонтни ва синаб кўрилиши;

*Курилиш майдончаларида электр ёритиш:* электроқурилмалар билан иш олиб бориш хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирлар, электроқурилмалардаги изоляциянинг шикастланиши, курилиш майдончасидаги химоявий ерга улаш.

#### 7.5.3.10. Курилиш машиналари:

машинасозлик ва курилишни механизациялашнинг асосий йўналишлари ва ривожланиш тенденциялари; курилиш ташкилотлари ва корхоналарида ишлатиладиган курилиш машиналари тўғрисида умумий маълумотлар; машина деталлари хақида умумий маълумотлар; курилиш машиналарининг умумий тузилиши, курилиш машиналарининг куч манбалари, курилиш машиналарини иш унумдорлиги ва техник-иктисодий кўрсаткичлари; курилиш машиналарининг куч узатмалари ва юритмалари; ср казиш машиналари; муҳандислик тармоқларини траншеясиз ўтказиш машина ва ускуналар; гидромеханизация жиҳозлари; бургилаш ва устун қозик қоқиши машиналари; юк ташиш ва тушириш машиналари; монтаж кранлари; бетон ва қоришка тайёрлаш, зичлаш, узатиш машиналари; кўл машиналари ва мослама механизмлари; том ёпиш машиналари ва курилмалари; меҳнат муҳофазасининг умумий талаблари.

#### 7.5.3.11. Муҳандислик тармоқлари ва жиҳозлари:

иситиш тизими тўғрисида умумий маълумотлар, иситиш тизими таснифи, марказдаштирилган иссиқлик таъминоти тизимлари ва ускуналари, бугли ва сувли иссиқлик таъминоти тизимлари ва жиҳозлари, иссиқлик пунктлари, иситиш асбобларининг таснифи, иситиш тизимининг хисобий куввати, тўсик конструкциялар орқали йўқоладиган иссиқлик, заминга тўшалган пол орқали иссиқлик йўқолишини хисоблаш; биноларни сув билан таъминлаш тармоқлари ва жиҳозлари, бино ва иншоатларнинг ички сув таъминоти тизими, минтақа бўйича (зонали) сув таъминлаш тизими, сугориш учун сув таъминоти тизимлари, сув таъминоти тармоқлари, сув ўтказувчи кувурлар ва арматуралар, ховлиларни сув билан таъминлаш, бинолардаги совук сув таъминоти тизими, насос курилмалари, бинолардаги совуқ сув тизимининг арматуралари, бинолардаги совуқ сув билан таъминлаш тизимларида босим кўтариш учун ќулланиладиган курилмалар, сув таъминоти сантехника жиҳозлари, сув ўлчаш тутуни ва сув ўлчагичлар, ички сув таъминоти тизимининг гидравлик хисоби, биноларнинг оқова сув тармоқлари ва жиҳозлари, ховли оқова сувларини оқизиш, оқова сув тармоқларидаги қудуклар ва уларнинг турлари, оқова сув насос станцияларини жиҳозлаш, ички оқова сув тизимининг гидравлик хисоби; совутиш, шамоллатиш тизимлари ва ускуналари, шамоллатиш курилмаларининг асосий турлари, бино ичидаги ҳавони иситиш, тозалаш ва совутиш курилмалари, кондицияланувчи хоналарнинг хисобий ички шарт шароитлари, ҳавони кондициялаш тизимининг структура схемаси ва туркumlари, биноларни газ билан таъминлаш тармоқлари ва жиҳозлари, газлаштириш тизимларида ишлатиладиган кувурлар ва газ кувурларининг ускуналари, газни беркитиш ускуналари, газ жиҳозлари ва ускуналари, газ сув иситкичларининг тузилиши, газ сарфини ўлчовчи асбоблар.

#### 7.5.3.12. Метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва сифат назорати:

*Метрология асослари:* Ҳалкаро бирликлар тизими (СИ), ўлчов усуслари ва асбоблари, уларнинг таснифи, ўлчов бирликларини яратишда ва метрологик таъминотда фойдаланиладиган эталонлар ва уларни турлари, ўлчашлар, ўлчашлар аниклигини баҳолаш, ўлчаш хатоликлари ва уларни бартараф этиш усуслари, чётланишлар, стандартлаштириш асослари, стандартлар турлари ва объектлари,

стандартларни ишлаб чиқиши шарти ва боскичлари, уларни хисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш, стандартлар структураси, техник меъёрий хужжатларни стандартлашни давлат тизими, курилиш меъёrlари ва коидалари (КМҚ), стандартлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, ҳалқаро стандартлаштириш, республикани ҳалқаро стандартларни ишлаб чиқаришда иштироки; сертификатлаштириш асослари, сертификатлаштириш ва сифат кўрсаткичлари, хизматларни сертификатлаштириш; курилишда сифат назорати, сифат назорати давлат тизими, маҳсулот сифатини аникловчи параметрлари ва турлари, маҳсулот сифати кўрсаткичларини танлаш усуслари, маҳсулот сифати кўрсаткичларини баҳолаш усуслари, маҳсулот сифатини аникловчи параметрлар, маҳсулот сифат кўрсаткичини танлаш усуслари, курилиш объектлари сифатини текшириш, иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш, иншоотларни натуравий синаш, иншоотларни статик ва динамик кучлар таъсирига синаш.

#### **7.5.3.13. Курилиш жараёнлари, бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси:**

Курилиш жараёнлари технологияси бўйича асосий тушунчалар ва коидалар; курилиш технологияларини лойихалаш; курилиш майдонининг инженер тайёргарлиги; грунтга ишлов бериш технологияси; пойдеворларни қуриш технологияси; гишт-тош териш технологияси; курилиш конструкцияларини монтажи технологиясининг асосий принциплари; саноат ва фуқаро бинолари конструкцияларини монтажи; монолит бетон ва темирбетон технологияси; химоя қопламаларини барпо этиш технологияси; том қопламаларини барпо этиш технологияси, гидроизоляцион қопламаларни барпо этиш технологияси, иссиқ изоляцион қопламаларни барпо этиш технологияси, антикоррозион қопламаларни бажариш ишлари; пардоз қопламалари ишларини бажариш технологияси; ойна солиш жараёнларини технологияси; сувок жараёнлари технологияси; юзаларни кошинлаш жараёнлари технологияси; осма шилларни қуриш технологияси, юзаларни буёклаш ва елимлаш технологияси; пол қопламаларини қуриш технологияси.

Курилища техникавий ривожланишининг асосий йўналишлари; бино ва иншоотларни барпо этишнинг курилиш технологиялари: курилиш жараёнларини технологик лойихалаш, курилишни ташкил этиш лойихаси (КТЭЛ) ва ишларни бажариш лойихаси (ИБЛ) ни ишлаб чиқиш; ишларни бажариш ва бинони барпо этиш кетмакетлиги; курилиш бош плани, материал ва конструкцияларни омборларга жойлаштириш; тайёрлов даври ишлари; бино ва иншоотларни аниқ ва тўғри барпо этишни геодезик таъминоти; ер ости иншоотларини барпо этиш технологияси; йигма конструкциялардан монтаж усуслари, темир-бетон каркасли бир каватли саноат биноларини монтажи, биноларни барпо этишни технологик ўзига хос ҳусусиятлари, бир каватли саноат биноларини барпо этиш усуслари ва монтаж механизмлари; металл каркасли бир каватли саноат биноларнинг монтажи; кўп каватли саноат биноларини монтажи; йирик панелли биноларни барпо этиш; баланд биноларни барпо этиш; девори гиштли биноларни барпо этиш; монолит темирбетондан биноларни барпо этиш технологияси; монолит бетондан бинолар барпо этишнинг курилиш-конструктив ўзига хослиги; бетон ва темирбетон ишларини мажмуали бажариш; биноларни ажратиб-қайта ўрнатиладиган қолилларда барпо этиш; биноларни горизонтал ва вертикал силжийдиган қолилларда барпо этиш; биноларни; специфik шароитларда биноларни барпо этиш технологияси; экстремал шароитларда бино ва иншоотларни қуриш; биноларни реконструкциялаш технологияси.

#### **7.5.3.14. Металл конструкциялари:**

металл конструкцияларнинг материаллари, пўлат ва алюминий қотишмаларининг кимёвий таркиби, металларнинг микротузилиши, иссиқлик билан ишлов бериш; эскириш, пўлат ва алюминий қотишмаларининг механик тавсифлари, кучланишларнинг тўпланиши, такрорий юкланишида металлининг иши; парчинмехлаш, ҷарчаш ҳолати, юксак ҳароратлардаги материал иши, металл конструкцияларни хисоблаш асослари, конструкцияларни чегаравий ҳолатлар усули бўйича хисоблаш, юклар ва таъсирлар;

чўзилиш, сиқилиш ва соф эгилишдаги элементлар мустаҳкамлигининг мезони, мустаҳкамлик назарияси, соф силжишдаги мустаҳкамлик, марказий сиқилган стерженлар устиворлиги, номарказий сиқилган ва сиқилган-эгилган стерженлар устиворлиги, эгилишдаги устиворлик, пластина устиворлиги; деформация ва кўчишларни аниқлаш. металл конструкцияларнинг асосий элементлари: бирималар, бирималар турлари, пайванд чоклар мустаҳкамлиги, бурчак чокли тугунлар ҳисоби, аниқлиги, нормал болтлар мустаҳкамлиги, болтли тугунлар ҳисоби; тўсинлар, тўсин турлари, ясама тўсинлар кесимини танлаш; тўсин ва унинг элементларини мустаҳкамлиги, умумий ва маҳаллий устиворлик; токча биримасини ҳисоби, тўсин курилмаси ва таянч қисмларининг ҳисоби, тўсинлар туташув бирималари; устунлар, устун турлари, панжарасимон устунлар кесимини танлаш; биректирувчи панжара ҳисоби, марказий ва номарказий сиқилган устун ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари, устун элементларининг маҳаллий устиворлиги, негиз ва каллаклар; фермалар, уларнинг турлари ва умумий устиворлиги, стерженлардаги зўриқишлирни аниқлаш ва кесим юзаларини танлаш, тугунларни тузиш ва ҳисоблаш.

### **7.5.3.15. Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар:**

Тоғ жинслари ва грунтлар ҳақида умумий маълумотлар; грунтнинг турлари; грунтлар механикасининг маҳсус қонунлари; грунтларнинг физик-механик хоссалари, уларни аниқлаш ва ҳисоблаш усувлари; грунт қатлами бўйлаб зўриқишининг тарқалиши қонуниятлари; ташки юк таъсирида грунтнинг зичлашувини аниқлаш усувлари ва уларнинг моҳияти; грунт зичлашуви ҳақидаги консолидация назарияси; ташки юк таъсирида грунтнинг мустаҳкамлиги; грунтдан сув сизиш қонуниятлари ва консолидация шароитида грунт мустаҳкамлигини ўзгариши; лёсс ва лёссимон грунтлар механикаси; иншоот чўкишини аниқлаш усувлари; чўкишининг давомийлиги; ўта чўкувчан грунтлар ва уларнинг хусусиятлари; қияликлар ва тиргович деворлар турғунлигини ҳисоблаш асослари; грунти иншоотлар барпо этиш, улар мустаҳкамлиги ва турғунлигини таъминлаш асослари ; зилзилабардош грунтлар.

Пойдевор лойихалаш учун зарур маълумотлар; замин ва пойдеворларни ҳисоблашдаги чегаравий ҳолатлар; замин ва пойдеворлар турлари; сайёз пойдеворлар ва уларнинг турлари; сайёз пойдеворларнинг лойихалаш асослари; сайёз пойдеворларнинг ҳисоблаш усувлари; марказий ва номарказий юклangan пойдеворлар ўлчамларини аниқлаш усувлари; пойдевор турғунлигини ҳисоблаш; пойдевор чўкишини ҳисоблаш усувлари; қозиқли пойдеворлар ва уларнинг турлари; қозиқли пойдеворларни лойихалаш асослари; қозиқли пойдеворларнинг ҳисоблаш усувлари; чукур жойлашган пойдеворлар ва уларнинг турлари ва қўлланиш шароитлари; пастлашувчи қудуқлар ва уларни ўрнатиш технологияси; паслашувчи қудуқларни лойихалаш ва ҳисоблаш усувлари; юпқа қобиқли пойдеворлар ва уларни ўрнатиш технологияси; кессон пойдеворлар ва уларнинг курилмалари; иншоот заминидаги бўш грунтларни зичлаш ва қотириш усувлари; ўта чўкувчан грунтларда пойдевор лойихалаш асослари; зилзилабардош заминлар ва пойдеворлар; замин ва пойдеворлар таъмирлаш асослари.

### **7.5.3.16. Ҳаёт фаолият ҳавфсизлиги:**

*инсон ва яшаи мұхити:* меҳнат физиологияси асослари ва ҳаёт фаолияти учун кулай шароитлар, антропоген омиллар обьекти, ишлаб чиқариш мұхитининг микроиклим кўрсаткичлари, ҳавони ифлослантирувчи обьектлар, межаник ва акустик тебранишлар, электромагнит майдони ва ионли нурланишлар, электр ток таъсири;

*ҳавфсизлик:* техника тизимларининг ҳавфсизлиги ва экологиклиги, фавқулодда вазиятларда ҳавфсизлик, ҳаёт фаолияти ҳавфсизлигини бошқариш, электр ҳавфсизлиги асослари, ишлаб чиқариш тиббиёти, ёнгин ҳавфсизлиги;

*меҳнат мұхофазаси:* Ўзбекистон Республикасининг меҳнат мұхофазаси, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш тиббиёти ва ёнгин ҳавфсизлиги бўйича қонунчилик асослари; меҳнат жараёнида инсон ҳавфсизлигини, соглигини ва ишга лаёқатлилигини таъминлашга қаратилган методик чораларни ишлаб чиқиши; меҳнатнинг психофизиологик асослари, инсон танасининг анатомик ва антропометрик кўрсаткичлари ва уларни ишлаб

чиқариш фаолияти шароитларига мослиги; меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассисларга бўлган талаб даражаси.

### 7.5.3.17. Ёғоч ва пластмасса конструкциялари:

ёғоч конструкцияларда кўлланиладиган материаллар; ёғоч конструкцияларни хисоблаш усуллари; элементларни биринши усуллари; том ёпма ва девор учун тўсувчи ёғоч конструкция панелларини тавсифи; панел турлари; уч каватли панеллар ва уларни хисоблаш ҳамда лойиҳалаш; таркибий тўсинлар; ёғоч елимли тўсинлар ва уларни арматуралаш; панел елимланган тўсинлар; ёғоч фермалар ва уларнинг турлари; металли ёғоч фермалар ва уларнинг элементлари; ёғоч фермаларининг техник иктисодий кўрсаткичлари; фермаларни хисоблаш ва лойиҳалаш; елимли устунлар; саноат биносининг кўндаланг қиркими; рамаси, елимли устуни; муҳандислик ёғоч конструкциялари хақида умумий маълумот.

### 7.5.3.18. Танлов фанлари

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда танлов фанлари рўйхати ва уларнинг дастурлари ОТМ Кенгаши томонидан белгиланиб, талабалар уларнинг ичидан қизиқши ва майшиликларига мос келадиганларини танлаб ўқийдилар.*

### 7.5.4. Ихтинослик файлари блокининг зарурий мазмунни ва компонентлари

#### 7.5.4.1. Саноат бинолари:

Ўзбекистон саноат курилишининг асосий босқичлари; саноат биноларининг асосий турлари; саноат биноларининг вазифаси ва муҳимлиги бўйича таснифи; меъморий-режавий белгилар бўйича саноат бинолари турлари; цехлар ичидаги кўтариш транспорти жихозлари; саноат биноларидағи ёритиш ва ҳаво алмасиши; ёритилганликка қўйиладиган талаблар ва хоналарни ёритиш усуллари; хоналарни табиий ёритиш; ёритишни бирлаштириш, бирлаштирилган ёритиш; ишлаб чиқариш биноларда шовкин ва титтрашлар билан курашиш; саноат биноларини ва курилмаларни типлаштириш; конструктив элементларни бўлувчи ўқларга боғлаш; модуль системаси ва бино параметрлари; саноат биноларининг ҳажмий-тархий ечимлари; ишлаб чиқариш ва технологияси схемаси – бинонинг ҳажмий-тархий ечимининг асоси; цехларнинг режалаш турлари ва блоклаштириш; бино каватлилигини танлаш; эни ва ораликларини, устунлар қадамини танлаш; саноат бинолари лойиҳаларидаги кўзда тутилган ёнгинга карши чоралар; саноат бинолардан одамларни эвакуация қилиш; маҳсус ишлаб чиқаришли тартибидаги саноат бино ечимларининг ўзига хос хусусиятлари; биноларни техник-иктисодий баҳолаш; универсал саноат бинолари; саноат бинолари меъморий композициясининг асосий негизлари ва воситалари; саноат биноларининг курилмалари; бир каватли бино каркаслари; темирбетон каркас; тўсинли ва тўсинсиз йигма каркаслар; ораёпмалар ва қаватларни кўтариш усули билан барпо этилувчи кўп қаватли бинолар; кўп қаватли биноларнинг пўлат каркаслари; саноат биноларининг деразалари; деворлардаги дераза ўрниларини жойлаштириш ва турлари; дераза тавақалари (переплет) ва панеллари; деворлардаги ёргулик тушадиган ўрниларини тавақасиз тўлдириш; саноат биноларнинг том ёпмалари; ёпма турлари ва уларга қўйилган талаблар; ёпмаларни кўтарувчи асосий курилмалар; темирбетон стропила ва стропилаости тўсинлари ва фермалари; пўлат стропила ва стропила ости фермалари; том ёпмалардаки боғламала; том ёпмаларнинг тўсик курилмалар; бош тўсинлар устидан том ёпмалари; бош тўсинсиз ёпмалар; катта ораликли ва фазовий ёпмалар; томлардан сувни оқизиш ва томларда кор қатламларини камайтириш чоралари; саноат биноларининг фонарлари; саноат биноларининг поллари; полларга қўйиладиган талаблар; полларнинг конструктив элементлари; саноат биноларининг зиналари, пардеворлар, дарвазалар ва бошқа элементлари; саноат корхоналарининг ёрдамчи бинолари ва хоналарининг ҳисоби; ёрдамчи хоналарни жойлаштириш усуллари, ёрдамчи биноларнинг конструктив ечимлари, саноат корхоналарининг бош тархи, уларни шахар ҳудудида жойлаштириш, бош тарх техник-иктисодий кўрсатгичи (Т.И.К.).

#### 7.5.4.2. Темирбетон, тош-гишт конструкциялари:

бетон, пўлат арматура ва темирбетоннинг асосий физика-механикавий хоссалари; умумий маълумотлар; бетон; бетоннинг тузилиши ва унинг мустаҳкамликка ва деформациясига таъсири; бетоннинг киришиши ва мустаҳкамлиги; арматура пўлатларининг механик хоссалари; арматура таснифи; конструкцияларда уларнинг қўлланиши; пайвандланган арматуруали буюмлар; симли арматура буюмлари; арматурани улаш; темирбетон; заводларда ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари; олдиндан зўристирилган темирбетон ва дастлабки зўристиришни яратиш усуслари; бетоннинг ҳимоя қатлами; бетоннинг тоб ташлаши; емирилиши; темирбетоннинг қаршилиги назариясининг тажрибавий асослари ва темирбетон конструкцияларни хисоблаш усуслари; юк остидаги темирбетон конструкциялар ишланиши ҳақидаги тажрибавий маълумотлар; эгилувчи темирбетон элементларининг кучланиш-деформацияланиш ҳолатининг учта боскичи; темирбетон курилмаларни чегаравий холат бўйича хисоблаш усуслари; юклар таснифи; эгилувчи элементлар; тўғри тўрт бурчакли ва тавр шаклдаги элементларни нормал кесим бўйича мустаҳкамликка хисоблаш; элементларни қия кесим бўйича хисоблаш; кўндаланг стерженлар хисоби; сикилган элементлар; сикилган элементларнинг конструктив хусусиятлари; тўғри тўрт бурчакли номарказий сикилган элементларнинг хисоби; темирбетон пойдеворлар; устунларнинг алоҳида пойдеворлари; йигма пойдеворлар курилмалари; яхлит пойдевор курилмалари; пойдеворлар хисоби; тасмасимон пойдеворлар; ясси ораёпмалар курилмалари ва таснифи; тўсинли йигма ораёпмалар; йигма темирбетон каркасли бинолар; бир қаватли саноат бинолари; кўп қаватли саноат бинолари; бино ва иншоотларнинг том ёпма конструкциялари; темирбетон ёпма плиталар; темирбетон стропила тўсинлари; темирбетон стропила фермалари; тош-гишт ва армотош конструкциялар; умумий маълумотлар; ишлатиладиган материаллар; тош-гишт конструкцияларни мустаҳкамликка хисоблаш.

#### 7.5.4.3. Курилишни ташкил этиш ва режалаштириш:

курилишни ташкил этиш ва режалаштиришни ривожланишининг асосий йўналишлари; курилишни ва курилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш асослари; курилиш ташкилотлари тизими тушунчаси; курилиш иштирокчилари; курилиш ишлаб чиқаришини специфик қонуниятлари; курилишни ташкил этиш асослари; курилиш ташкилотларини бошқаришининг ташкилий-хуқуқий-асослари; курилиш ишлаб чиқаришини бошқаришини ташкилий структураси; курилиша мухандислик-тадқиқотлари ва лойиҳалаш; курилишни оқим усулида ташкил этиш асослари; курилиш ишлаб чиқаришини тайёрлаш; алоҳида бино ва иншоотлар курилишини ташкил этиш ва календар режалаш; объект курилишини календар режасини тузиш; турар-жой бинолар курилишини ташкил этиш ва календар режалаш; ресурс-манбааларни таҳсилланиш графиги; алоҳида объектлар тўрсимон графиклари; ташкилий-технологик лойиҳалашда моделлаштириш; тўрсимон графикни тузиш ва хисоблаш. курилиш бош плани ва курилиш майдонидаги вактинчалик курилмалар: курилиш бош планини лойиҳалашнинг асосий тамойиллари; монтаж кранлари ва кўтаргичларни жойлаштириш; вактинчалик йўллар; объект қошидаги омборларни ташкил этиш; курилиш майдонидаги вактинчалик бинолар; курилиш майдонини электр таъминоти; вактинчалик иссиқлик таъминоти; вактинчалик сув таъминоти ва канализация; курилиш ишлаб чиқаришини моддий-техник таъминотини ташкил этиш; моддий-техник таъминотини ташкил этиш; ишлаб чиқариш-технологик комплектлашни ташкил этиш; курилиш машиналари паркини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш; курилишда транспортни ташкил этиш. курилиш ишлаб чиқаришини бошқариш: бошқаришининг назарий асослари; бошқариш технологияси; бошқариш техникаси; курилиш сифатини бошқариш; бино ва иншоотларни фойдаланишга топшириш.

#### 7.5.4.4. Компьютер технологиялари асосида курилиш конструкцияларини хисоблаш:

компьютер технологиялари таъминоти, компьютер лойихаси, AutoCAD график тизими, республикамиздаги ҳудудий муаммолар, курилишдаги илм-фап, техника ва технологиялар ютуқлари, бино ва иншоотларни техник ҳолатини баҳолашда компьютер технологияларидан фойдаланиш, маҳсус дастурлар ҳакида қисқача маълумот, "Стерженли системаларни комплекс ҳисоблаш ва оптимиация килиш" дастури, мураккаб стерженли конструкциялардан иборат биноларнинг турли талофат ҳолатларини маҳсус дастурда ҳисоблаш алгоритми 3D лойихалаш, уч ўлчамли моделларни яратиш, уч ўлчамли моделлар кўриниши, замин ва пойдевор деформацияси туфайли содир бўладиган авария ҳолатлари ва уларнинг турлари, пойдеворлар, уларда учрайдиган шикастланиш ва деформация турлари, пойдеворларнинг бино ҳолатининг умумий техник ҳолатига кўрсатадиган таъсирини компьютер дастури ёрдамида баҳолаш, 3D объектларни шакллантириш. Каркасли моделларни куриш, деворлар, устунлар, тўсниларнинг бино ҳолатининг умумий техник ҳолатига кўрсатадиган таъсирини компьютер дастури ёрдамида аниқлаш, табиий оғатларнинг бино ҳолатининг умумий техник ҳолатига кўрсатадиган таъсирини таҳдил килиш, техноген таъсирларининг бино ҳолатини умумий техник ҳолатига кўрсатадиган таъсирини компьютер дастури ёрдамида таҳдил килиш, интернет тармоғидан фойдаланиб замонавий курилиш конструкцияларини ўрганиш, компьютер дастурлари ёрдамида курилиш конструкцияларининг юк кўтарувчи элементларини I ва II чегара вий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш.

#### 7.5.5. Малака амалиёти

##### Ўқув-танишув амалиёти:

Талабалар курилиш объектлари ва лойихалаш институтлари тизимлари, курилиш ишлаб чиқаришни ташкил килиш асослари ҳамда курилиш объектларида фойдаланиладиган машина ва механизмларнинг ҳар хил турлари билан танишадилар.

##### Геология-геодезиявий амалиёт:

Курилиш майдонининг топографик суратга олиш, вертикал режалаштиришни лойихалаш учун сиртни нивелирлаш, иншоот майдонини трассалаш (йўл ўтказмок); курилиш тўрини ёки таянчлар тўрини дастлабки горизонтал иншоотни белгилаш учун куриш, кизил чизиқларни, қатнов йўллар ўқларини ёки ердан фойдаланиш чегараларини мавзига кўчириш; иншоотнинг асосий ўқларини белгилаш; иншоот ўқларини монтаж уфқида муфассал белгилаш; курилмалар ўрнатиш жойини тасвирга тушириш; иншоотлар чўкишларини кузатиш, объектни барпо этиш, тиклаш ёки кенгайтиришдаги курилиш майдонида ечиладиган асосий мухандислик-геодезик масалалар; тоб жинсларининг методологияси, минералогия ва петрографияси; геологиявий кўрсаткичлар таҳлили, сизот сувлар жойланишининг шароитлари, мавзуни геморфологиявий хариталаш, йирик масштабли хариталар, киркимлар ва кесимларни тузиш.

##### Ишлаб чиқариш амалиёт:

Амалиёт ўтиш даврида ҳар бир талабалар қурилаётган бино ёки иншоот лойихасининг архитектура-конструктив қисми билан танишиб, ишларни бажариш лойихаси (ИБЛ)ни ўрганиш; ишларни бажарилиш таквимий режаси(графики)ни бажарилиши ва бошка техникавий ҳужжатларни ўрганиши, курилиш майдони ва курилишни бош тархи билан танишиши, кураётган бош пудратчи ёки ёрдамчи пудратчи ташкилотнинг ташкилий структураси ва унинг маъмурий-техникавий штатларини ўрганиши, курилиш майдонига олиб келинаётган курилиш ашёлари ва жиҳозларини кабул килиш, таҳлаш, саклаш ва ҳисобга олишни ташкил этиш масалалари ва уларни ишлаб чиқариш ҳисобидан чиқариш тартиблари билан танишиши, умумкурилиш ишларининг камида икки-учтасини ўрганиб ва назарий жиҳатдан ташкил этиш, қўйидаги масалаларни ўрганиши талаб этилади. Ишлаб чиқариш жараёнини таркиби, уни иш операцияларига бўлинини ва бажарилиш кетма-кетлиги, алоҳида курилиш жараёнларини бажариш усуллари ва қўлланиладиган машина, мослама ва асбоб-ускуналар, ишчи, звено ва

бригадаларни ишларини ташкил этиш, меҳнатни ўзаро оқилона тақсимланиши, бригада ва звеноларнинг иш жойларини ташкил этиш, уларни қамров, бўлинма ва ярусларга ажратиш, техника хавфсизлиги ва ёнғинга қарши техника қоидалари, ишлаб чиқариш санитарияси (уч поғонали назорат тизими), ишларни топшириш–қабул қилиш тартиби, меҳнатга ҳақ тўлаш усуллари, бажарилган ишларни баҳолаш, яширилиб–бекитилиб кетиладиган ишларга далолатномалар тузиш тартибини ўрганиши, асосий умумқурилиш ишларининг ҳар бирини талаба камида П-малака даражасида билиши ва бажара олиши талаб этилади.

#### **Бити्रув олди амалиёти:**

Битирувчини бевосита малакавий талабларга мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш; ўзлаштирган назарий билимларини чукурлаштириш ва мустаҳкамлаш; жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича тажриба ҳосил қилиш; лойиҳалаш лойиҳалаш институтларида конструкторлик иши амалий кўникмаларини эгаллаш ҳамда диплом лойиҳасини мавзуси бўйича ва бажариш учун материалларни тўплаш.

#### **7.5.6. Битирув иши (лойиҳаси):**

Битирув иши (лойиҳа)нинг мавзулари таълим муассасасининг битирувчи чиқарувчи кафедралари томонидан мутахассисларга талабгорларнинг талабларини, шунингдек замонавий фан, техника, технологиялар ютуқларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Битирув иши (лойиҳа)нинг мавзуси лойиҳа–конструкторлик, технологик қисмлардан иборат бўлиши ёки илмий–тадқиқот йўналишида бўлиши мумкин.

Талабага битирув иши (лойиҳа) топшириғи, одатда, у учинчи курсни тугатгандан сўнг берилади. Иш (лойиҳа) умумкасбий ва ихтисослик фанларни талаба ўзлаштириб боргани сари тўртинчи курс мобайнида, шунингдек, мазкур стандартда бажариш учун ажратилган вақт мобайнида бажарилади.

### **8. Бакалавриатнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар**

#### **8.1. Бакалавриатнинг таълим дастурларини ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар**

**8.1.1.** Таълим дастурини ишлаб чиқишида ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва ҳўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳисобга олиши керак.

ОТМлар таълим дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равиша янгилаб туриши лозим.

**8.1.2.** Таълим дастурини ишлаб чиқишида ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий–фаолиятий тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий–маданий мухитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўкув жараёнини ижтимоий–тарбиявий ривожлантиришга, талabalарнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўгаракларда, илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

**8.1.3.** Компетентли ёндашувни амалга ошириш ўкув жараёнида машғулотларнинг фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шаклларини ўtkазишни, ўқиётганларнинг касбий кўникмаларини

шакллантириш ва ривожлантириш максадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида кўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишининг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг кўллашни назарда тутиши керак.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машгулотларнинг улуши дастурнинг асосий максади, ўқиётган контингент хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аникланади. Талабаларнинг академик групчилари учун маъзуза соатлари хажми аудитория вақтининг 50 фойизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камидаги 25 фойзи мустақил таълим тарзидаги ўзлаштирилиши лозим.

**8.1.4.** Талабалар ўкув юкламасининг максимал ҳажми таълим дастурига ОТМ томонидан кўшимча белгиланадиган танлов фанларни ўзлаштириш бўйича аудитория ва аудиториядан ташқари (мустақил) таълим билан биргаликда хафтасига 54 академик соатдан ошмаслиги керак.

**8.1.5.** ОТМ талабалар учун ўкиш дастурини, бўлиши мумкин бўлган индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишини инобатта олган ҳолда, шакллантиришда реал иштирок этиш имкониятини таъминлашга масъул.

**8.1.6.** Ўкув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларни уларнинг хукуклари ва мажбуриятлари билан таништириши, талабалар учун танлов фан (модуль, курс)лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

**8.1.7.** Талабаларда билим, амалий малака ва кўнинмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ таълим дастури ўкув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машгулотларни камраб олиши керак.

## 8.2. Таълим дастурларининг татбиқ этилиши

**5340200 – Бино ва ишиоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари)** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури мазкур йўналиши бўйича аккредитацияланган олий таълим муассасаларида ривожланаётган таълим технологияларидан, ахборот–коммуникация технологияларидан ва таълимнинг замонавий техника воситаларидан фойдаланиб тайёрлашда амалга оширилади.

Хорижий тилларни талабалар томонидан ўзлаштирилишига ҳамда педагоглар томонидан ўқитишлишига эътибор устувор бўлмоғи ва шароит яратилиши лозим.

Малака амалиётлари замонавий корхоналарда, ташкилотларда ва ИТИларида ўтказилади, улар талабаларни амалиёт дастурларида кўзда тутилган иш жойлари билан таъминлашлари керак.

Ўкиш даврида талаба камидаги Давлат аттестацияларини (гуманитар ва ижтимоий–иқтисодий ва чет тили фанларидан) топширади ва битириув ишини ҳимоя қиласди. Давлат аттестацияси мос интеграллашган курслар бўйича ўкув жараёни туталлангандан кейин топширилади.

## 8.3. Малака амалиётларни ташкил этиш талаблари

Амалиётлар бакалавриат таълим дастурининг мажбурий қисми хисобланади. Амалиётлар ўкув ва (ёки) ўкув–ишлаб чиқариш машгулотлари кўриннишида бўлиб, талабаларнинг касбий–амалий тайёргарланганлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури ўкув–танишув, ишлаб чиқариш ва битириув олди амалиётларини ўз ичига олади.

Ўқишининг биринчи йилида ўкув–танишув амалиёти ўтказилади, бунда талабалар транспорт қурилиши корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини таъминлашда зарур бўлган ишлаб чиқаришга оид курилмалар, ускуналар ва замонавий технологик жараёнлар билан танишиб уларни амалий жиҳатдан ўрганадилар. Амалиёт натижаси ва хисоботи баҳолаш меъzonлари асосида баҳоланади.

Ишлаб чиқариш амалиёти қурилиш объектлари қурилишига ихтисослашган корхоналар ва ташкилотларда ўтказилади. Бунда талабалар мазкур корхоналар ва ташкилотлар тузилишини, техникавий таъминланганлигини ва уларнинг ишлаб чиқариш технологик жараёнларини ўрганадилар; қурилиш ташкилотларини бошкаришни ва иш

жойларини ташкил этишни ҳамда қурилишда ишлатилувчи замонавий техникавий воситалар билан танишадилар ва ўрганадилар; қурилиш ташкилотларининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ўрганадилар; бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва қуришга ихтисослашган корхоналарида фойдаланиладиган ҳисоблаш техникаси билан танишадилар; қурилиш обьектларида техник воситаларидан фойдаланиш даражасини кўтариш бўйича ишлаб чиқилган ташкилий ва илмий–техникавий ҳамда меҳнат ва ҳаракат ҳавфизлигини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ўрганадилар.

Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади. Амалиёт тугагандан сўнг талабалар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари–раҳбарлари ва қабул қилувчи ташкилот вакилларидан таркиб топган комиссия олдида ҳисбот беришади. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

Битирув олди амалиёти бино ва иншоотларни лойиҳалашга ихтисослашган лойиҳалаш ташкилотларида ўтказилади. Бунда битирувчи амалиёт вақтида бевосита стандарт талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрланади; ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштиради ва мустаҳкамлайди; жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича тажриба ҳосил қиласи; бино ва иншоотларини лойиҳалашга ихтисослашган ташкилотларда битирув ишини бажариш учун материаллар тўплайди. Амалиёт натижалари бўйича ҳисбот тузилади. Амалиёт натижаси ва ҳисботи баҳолаш меъзонлари асосида баҳоланади.

#### **8.4. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар**

Бакалавриат таълим дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга эга бўлган, билим, малака ва кўникмага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар, фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.

Бакалавриат ўқув жараёнини ташкил этишда илмий–педагогик, илмий ёки илмий–методик фаолият билан шуғулланаётган кадрлар билан узлуксиз таъминланиши керак.

Таълим жараёнига амалдаги тегишли тармоқ ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари ўқитувчиликка жалб этилиши мумкин.

Бакалавриат таълим дастурини амалга оширишга жалб этиладиган профессор– ўқитувчилар ҳар 3 йилда малакаларини ошириб боришлари лозим.

#### **8.5. Таълим жараёнини ўқув–методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари**

Таълим дастури таълим дастурининг ҳамма ўқув курслари, фанлари (модуллари) бўйича ўқув–методик хужжатлар ва материаллар билан таъминланиши керак.

Таълим дастурининг амалга оширилиши ҳар бир талаба таълим дастуридаги фан (модул)ларнинг тўлиқ рўйхати бўйича шаклланадиган маълумотлар базаси ва АРМ фондидан фойдаланиш ҳуқуқи билан таъминланиши керак.

Таълим дастури бўйича ҳар бир талаба ўрнатилган меъёрларга мос равища таълим дастурига киравчи касбий блокнинг ҳар бир фани бўйича ўқув ва ўқув–методик чоп этилган ёки электрон шаклдаги нашрлар билан таъминланиши керак.

Ахборот ресурс марказининг асосий фонди охирги 10 йилда (гуманитар, ижтимоий ва иқтисодий блокнинг базавий фанлари учун–охирги 5 йилда) чоп этилган ҳамма циклларнинг базавий қисми фанлари бўйича ўқув адабиётининг чоп этилган ёки электрон нашрлари билан тўлдирилган бўлиши керак.

Ўқув адабиётидан ташқари қўшимча адабиёт фонди расмий маълумотнома–библиографик ва даврий нашрларни ўз ичига олиши керак.

Таълим дастурини тўлиқ амалга ошириш учун ОТМнинг АРМда таълим йўналишининг ўқув режасида келтирилган фанлар бўйича яратилган адабиётлар, ўқув–методик қўлланмалар (камида ҳар 6 нафар талабага 1 та адабиёт) бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасидаги ва хорижий давлатлардаги олий таълим муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари билан оператив равища ахборот алмашиш,

замонавий касбий маълумотлар базалари, ахборотлар ва кидирув тизимларидан фойдаланиши имконияти билан таъминланган бўлиши керак.

**5340200–Бино ва иншоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари)** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврни тайёрлаш жараёнида асосан куйидаги педагогик технологиялар ва ўқитиш методларидан фойдаланиш максадга мувофик;

- ўқитишнинг интерфаол методи;
- муаммоли ўқитиш технологияси;
- ўйинли технологиялар;
- танидий фикрлаш ривожланишининг педагогик стратегиялари;
- шахсий йўналгандлик асосидаги педагогик технологиялар;
- ўкув жараёнини самарали бопкариш ва ташкил килиш асосидаги педагогик технологиялар;
- ўқитишни дифференциациялаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси;
- дастурий ўқитиш технологияси;
- ўқитишнинг комплекс методлари (лойиҳавий метод, тармоқли режалаштириш методи, аклий хужум, ассоциограммалар методи ва х.к.).

#### **8.6. Ўкув жараёниниң моддий–техник базаси бўйича талаблар**

Бакалавр тайёрлашнинг таълим дастурини амалга оширувчи ОТМ ўкув дастурида назарда тутилган маъруза, амалий, семинар, лаборатория машгулотлари ҳамда курс иши (лойиҳа), амалий ва илмий–тадқиқот ишларини бажариш учун санитария–гигиена, ёнгинга қарши қондалар ва меъёрларга мос келадиган моддий–техника базасига эга бўлиши керак.

Бакалавр талим дастурини амалга ошириш учун ОТМнинг минимал зарур бўлган моддий–техник базаси:

- маъруза (поток ёки гурухлар) аудиториялари билан;
- семинар ва амалий машгулотлари учун аудиториялар билан;
- илмий–тадқиқот ишини ўтказиш учун лабораториялар билан;
- ўкув машгулотларида кўргазмали материалларни намойиш килиш учун турли хил аппаратуралар билан;
- амалий машгулотлар ва лаборатория ишларини ўтказиш учун ўкув дастурига мос асбоб–ускуна ва жиҳозлар билан;
- илмий–тадқиқот ишларини амалга ошириш учун зарур лаборатория жиҳозлари билан;
- интернет тармогидан фойдаланиш учун глобал тармоққа уланган компьютер синклари билан;
- семинар машгулотларини ўтказиш ҳамда чет тилини ўрганиш бўйича лингафон синклари билан таъминланган бўлиши лозим.

### **9. Бакалавр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш**

**9.1. Бакалавриат йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат килиш куйидагилардан иборат:**

**ички назорат** ОТМ томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

**якуний давлат назорати** давлат таълим стандартига мувофик фанлар бўйича якуний давлат аттестацияси ва бакалавр битирув малакавий иши ҳимоясини ўз ичига олиб ўрнатилган тартибларда амалга оширилади;

**давлат-жамоат назорати** олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

**ташқи назорат** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

9.2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сонли карори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ тартибга солинади.

9.3. ОТМ томонидан талабалар компетентлигини баҳолаш ва назорат қилиш тизими уларнинг бўлажак қасбий фаолиятига максимал яқин бўлиши учун шароитлар яратилиши керак. Бунинг учун муайян фан ўқитувчилардан ташқари ташқи экспертлар сифатида иш берувчилар, турдош фанлардан дарс берувчилар ва бошқалар бу жараёнга фаол жалб этилиши дозим.

9.4. Якуний давлат аттестацияси бакалавр битирув ишининг химоясини ўз ичига олади.

Битирув ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестациясини ўтказиш ҳакидаги Низом асосида белгиланади.

#### 9.5. Олий таълим муассасаси:

- ушбу стандартдаги талабларга риоя қилиниши;
- профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўкув-ёрдамчи ходимлар малакавий талабларга тўла мос келиши;
- ҳар бир фан дастурида назарда тутилган ўкув-методик адабиётлар, ўкув-услубий мажмуалар, шунингдек, мустакил таълим ва мустакил тайёргарлик учун материаллар билан таъминланганлиги;
- ўкув жараёнининг моддий-техникавий таъминланганлиги учун тўла масъулдир.

## 10. Эслатма

### 10.1. ОТМга:

- ушбу стандартда назарда тутилган минимал мазмунни таъминлаган ҳолда талабанинг ҳафталиқ максимал юкламасини оширмасдан ўкув материалини ўзлаштиришга ажратилган соатлар ҳажмини ўкув фанлари блоклари учун 5% оралигига, блокга кирувчи ўкув фанлари учун 10% оралигига ўзгартириш;
- ўкув фанлари мазмунига фан, техника ва технологияларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш хуқуқи берилади.

10.2. Курс ишлари (лойиҳалари) муайян ўкув фаолиятининг бир тури сифатида кўрилади ва ушбу ўкув фанини ўзлаштириш учун ажратилган соатлар чегарасида бажарилади.

10.3 ДТСни билиш профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида саралаш шартларидан бири ҳисобланади.

10.4. 5340200 – *Бино ва иншоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари)* бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ҳафталиқ аудитория ўкув юкламаси – 32 соат бўлган структура асосида ишлаб чиқилади.

## 11. Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати

11.1. ДТС ўринатилган тартибда тасдиқланиб, “Ўзстандарт” агентлигига давлат рўйхатидан ўттандан кейин амал қилиш муддати – камиде 5 йил.

11.2. Давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш тўғрисида янги тартиб-коидалар қабул қилинса ДТСнинг амал қилиш муддати ўзгариши мумкин.

**.5340200 – Бино ва ишоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари) бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

T/p	Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкламанинг хажми, соатларда
<b>1.00.</b>	<b>Гуманитар ва ижтимоий–иктиносий фанлар</b>	<b>1704</b>
<b>2.00</b>	<b>Математик ва табиий–илмий фанлар</b>	<b>1476</b>
2.01	Олий математика	542
2.02	Информатика ва ахборот технологиялари	362
2.03	Физика	241
2.04	Кимё	90
2.05	Назарий механика	151
2.06	Экология	90
<b>3.00</b>	<b>Умумкасбий фанлар</b>	<b>2980</b>
3.01	Чизма геометрия ва инженерлик графикаси	169
3.02	Материаллар қаршилиги	225
3.03	Курилиш механикаси ва ишоотлар зилзилабардошлиги	253
3.04	Инженерлик геодезияси	113
3.05	Инженерлик геологияси	84
3.06	Курилиш материаллари ва буюмлари	225
3.07	Архитектура	360
3.08	Тармоқ иктиносидёти ва менежмент	131
3.09	Курилишга электр таъминоти	66
3.10	Курилиш машинистари	84
3.11	Мухандислик тармоқлари ва жихозлари	169
3.12	Метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва сифат назорати	66
3.13	Курилиш жарабёнлари, бино ва ишоотларни барпо этиш технологияси	248
3.14	Металл конструкциялари	176
3.15	Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар	264
3.16	Ҳаёт фаолият ҳавфсизлиги	88
3.17	Ёғоч ва пластмасса конструкциялари	108
3.18	Таплов фанлари	150
<b>4.00</b>	<b>Ихтиослик фанлари</b>	<b>734</b>
4.01	Саноат бинолари	171
4.02	Темирбетон, тош – гишт конструкциялари	196
4.03	Курилишни ташкил этиш ва режалаштириш	196
4.04	Компьютер дастурлари асосида курилиш конструкцияларини хисоблаш ва лойиҳалаш	171
<b>5.00</b>	<b>Қўшимча фанлар</b>	<b>450</b>
	<b>Жами</b>	<b>7344</b>
	Малака амалиёти	864
	Битириув иши (лойиҳа)	270
	Аттестация	1026
	<b>Жами</b>	<b>2160</b>
	<b>ҲАММАСИ:</b>	<b>9504</b>

**Эслатма:** Ушбу таълим дастурининг фанлар таркибиغا ва уларнинг умумий юкламалар джемига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ўзгартириши ва қўшимчалар киритиш мумкин.

Библиографик маълумотлар

УДК 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таинч сўзлар:

бино, иншоот, лойиҳа, лойиҳалаш, автоматлаштирилган лойиҳалаш, иссиқлик ҳимояси, шовкиндан ҳимоя, акустика, табиий ёритиш, ёритилганик, инсоляция, кӯёшдан ҳимоя қилиш воситалари, конструкция, хисоблаш, техник-иктисодий кўрсаткичлар, конструктив ечим, конструктив система, конструктив схема, қурилиш системаси, қурилишни ишлаб чиқариш, монтаж, монтаж технологияси, пардозлаш, қурилиш материаллари, темирбетон конструкциялар, арматура, ҳисобий юклар, деформация, бирикмалар, ёнгинардошлик, метрология, унификация, типлаштириш, стандартлаштириш, меъёрлаш, мустаҳкамлик, устиворлик, бикирлик, қурилиш конструкциялари, инвестиция лойиҳалари, сув таъминоти, канализация, шамоллатиш, замин, пойдевор, грунт, қурилишни уюштириш ва режалаш, бош тарҳ, қурилишни бош тарҳи, иншоотлар динамикаси.

Ишлаб чиқарувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим  
муассалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва  
урта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази



Б.Х.Рахимов

2014 йил « 30 » Ҳувар .

Тошкент архитектура курилиш институти



Т.А. Низамов

2014 йил « 25 » Ҳувар .

**КЕЛИШИЛГАН:**

Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси  
раиси Ўринбосари



Ш. Хошимов

2014 йил « 28 » Ҳувар .

Тошкент Темир Йўл Муҳандислари  
Институти



М.Х. Расулов

2014 йил « 28 » Ҳувар .

“ТошуйжойЛТИ” ОАЖ



А.Т.Азизов





2014 йил « 27 » Ҳувар .

**Ижодий гурух раиси ва аъзолари**  
**Ижодий гурух раиси ва ўринбосари**

Ижодий гурух ранси	А.Тўлаганов	Ўқув ишлари бўйни проректор
Ижодий гурух ранси ўринбосари	С.Сайфиддинов	Кафедра мудири



**Ижодий гурух аъзолари**

T/p	Ўқув фанлари (курслар)нинг номи	Таянч ОТМдан		Турдош ОТМдан, асосий кадрлар истеъмолчилиаридан	
		Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси ва увони	Имзо	Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси ва увони	Имзо
3.00	Умумкасбийфандар				
3.01	Чизма геометрия ва инженерлик графикаси	Мирхамидов М.		Шодиметов Х.М.	
3.02	Материаллар қаршилиги	Шодмонова З.С.		Рошикова Е.В.	
3.03	Курилиш механикаси	Шодмонова З.С.		Роширова Е.В.	
3.04	Бино ва ишоотлар зилзилабардошлиги	Абдурашидов К.С.		Шоумаров Н.Б.	
3.05	Инженерлик геодезияси	Назаров Б.		Раупов У.С.	
3.06	Инженерлик геологияси	Назаров Б.		Раупов У.С.	
3.07	Курилиш материаллари ва буюмлари	Самиғов Н.А.		Махаматалиев И.М.	
3.08	Архитектура	Миралимов М.М.		Щипачева Е.В.	
3.09	Менежмент асослари	Давлетов И.		Исмоилходжаев А.И.	
3.10	Курилишда электр таъминоти	Зоитов А.		Бердиев У.Т.	
3.11	Курилиш машиналари	Хушназаров Б.Т.		Лесов К.	
3.12	Инженерлик тармоқлари ва жихозлари	Бўриев Э.		Бахромов У.	
3.13	Метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва сифат назорати	Шодмонова З.С.		Карабаев А.	
3.14	Курилиш жараёнлари технологияси	Юсупов Х.		Махаматалиев И.М.	
3.15	Металл конструкциялари	Низомов Ш.		Шоумаров Н.Б.	
3.16	Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар	Файзиев Х.		Рахмонов У.	
3.17	Хаёт фаолият хавфсизлиги ва мехнат муҳофазаси	Носирова Л.		Круворучко Б.В.	
3.18	Курилиш физикаси	Кучкаров Р.А.		Щипачева Е.В.	
3.19	Ёғоч ва пластмасса конструкциялари	Низомов Ш.		Шоумаров Н.Б.	
3.20	Тармоқ иқтисодиёти	Едгоров В.		Исмоилходжаев А.И.	

4.00	Ихтисослик фанлари			
4.01	Саноат бинолари	Пирматов Р.		Ципачева Е.В.
4.02	Бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси	Юсупов Х.		Махаматалиев И.М.
4.03	Темирбетон, тош-гишт конструкциялари	Низомов Ш.		Шоумаров Н.Б.
4.04	Курилишни ташкил этиш ва режалаштириш	Юсупов Х.		Мирахмедов М.М.
4.05	Компьютер технологиялари асосида курилиш конструкцияларини хисоблаш	Низомов Ш.		Шоумаров Н.Б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Давлат тест марказида  
экспертизадан ўтказилди


Директор

 Б.М.Исмаилов

М.ў.

2014 йил « 20 » саребрал

## Эксперт гурухи аъзолари:

Ф.И.Ш.	Лавозими	Имзо
Мажнудов Мирзапеон	Сафаралиев, билим кафедраси доцент, т. 78.4.	
Мирзапеон	Демонстрировано	

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
2014-йил 25-январ 32-сонли буйруги асосида Тошкент архитектура қурилиш  
институтида қайта ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари ва ўкув  
режаларининг турдош ОТМлари билан

## КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш.

“28” январ 2014 йил

Қатнашдилар: Т.А. Низомов-ТАҚИ ректори, Д. Хамзаев-  
“Давархитектқурилиш” кўмитаси, капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар  
бошқармаси бошлиги, А.А. Тўлаганов-ТАҚИ ўкув ишлари бўйича проректори,  
Ф.Ф. Каримова-ТТИМИ ўкув ишлари бўйича проректори, Ш.Қ. Авчиев-ТАҚИ ЎБ  
бошлиги, Р.Х. Пирматов-“Бино ва иншоотлар қурилиши” факультети декани,  
С.Р. Рассаков-СамДАҚИ “Қурилиш конструкциялари” кафедраси профессори,  
Р.Қ. Мамажонов-“Ўзғирсаноатлойиҳа” ОАЖ бош директор мувонини, техника  
фанлари доктори, профессор, М.В. Рузиева-“Ўзғирсаноатлойиҳа” ОАЖ лойиҳалаш  
институти, “Қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш” бўлими бошлиги,  
С. Сайфиддинов-ТАҚИ “Бино ва иншоотлар” кафедраси мудири, Х.И. Юсупов-  
ТАҚИ “Қурилиш технологияси ва ташкилиёти” кафедраси мудири, Ш.Р. Низомов-  
ТАҚИ “Қурилиш конструкциялари” кафедраси мудири, В.У. Ёдгоров-ТАҚИ  
“Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш” кафедраси мудири, Х. Файзиев-ТАҚИ  
“Гидротехника иншоотлари, замин ва пойdevорлар” кафедраси мудири,  
З.С. Шодмонова-ТАҚИ “Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги”  
кафедраси мудири, М. Махкамова-ТАҚИ “Касбий педагогика” кафедраси мудири,  
Е.В. Щипачева-ТТИМИ “Бино ва саноат иншоотлари қурилиши” кафедраси мудири  
техника фанлари доктори, профессор, М.Х. Абдувасикова-“Қурилиш соҳасидаги  
менежерларнинг мадакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази” директори.

### Кун тартиби:

Тошкент архитектура қурилиш институти томонидан тайёрланган кўйидаги  
бакалавриат таълим йўналишлари Давлат таълим стандартлари ва ўкув режалари  
муҳокамаси:

1. 5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари);
2. 5111000–Касб таълими (5340200–Бино ва иншоотлар қурилиши).

Т.А. НИЗОМОВ – Мальумки, олий таълим йўналишлари ва  
мутахассисликлари классификаторини таҳдил қилиш жараёнда баъзи таълим  
йўналишлари ва мутахассисликларининг номлари ўзгартирилди. Шунинг учун  
мазкур йўналиш ва мутахассисликлар бўйича янги Давлат таълим стандартлари ва  
ўкув режалари яратиш зарурияти туғилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
маҳсус таълим вазирлигининг 2014-йил 25-январ 32-сонли буйругига биноан  
Тошкент архитектура-қурилиш институти зинмасига 5340200 – Бино ва иншоотлар  
қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари) ва 5111000–Касб таълими (5340200–Бино ва  
иншоотлар қурилиши) таълим йўналишлари бўйича Давлат таълим стандарти ва  
ўкув режаларини тайёрлаш ва қайта ишлаб чиқиш юкланган эди. Шу жарабён  
хусусида кенгаш иштирокчиларини фикрларини тингласак.

**А.А. ТҮЛАГАНОВ** – Хурматли кенгаш катнашчилари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2014-йил 25-январ 32-сонли бўйругига асосан, 5340200 – *Бино ва инишотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари)* ва 5111000–*Касб таълими (5340200–Бино ва инишотлар қурилиши)* таълим йўналишлари учун Давлат таълим стандартлари ва намунавий ўкув режалари Тошкент архитектура қурилиш институтининг ўкув–услубий бўлим томонидан ишлаб чиқилди.

**Ш.Қ. АВЧИЕВ** – Мазкур хужожатларни тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура қурилиш қўмитаси, “ToshujoyLIT” ОАДнинг етакчи мутахассислари ва Самарқанд Давлат архитектура қурилиш институти, Тошкент темир йўл мухандислари институтлари профессор–ўқитувчиларининг талаб ва таклифлари инобатта олинди.

**С. САЙФИДДИНОВ** – Институтимизда қайта ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари ва ўкув режалари Германия (Веймар Баухаус–Университети) АҚШнинг (Нью–Йорк университетининг Политехника институти) ва Россия (МГСУ) сингари ривожланган хорижий олий ўкув юртларининг Давлат таълим стандартлари ва ўкув режалари билан солиштириб чиқилган бўлиб у хозирги замон талабларига тўлиқ жавоб беради.

**С.Р. РАЗЗАКОВ** – Мен Давлат таълим стандартлари ва ўкув режаларини кўриб чиқдим. У давр талабларига тўлиқ жавоб беради. Мазкур Давлат таълим стандартларида Темирбетон, тош – гишт конструкциялари, Металл конструкциялари, Ёғоч ва пластмасса конструкциялари ва Компьютер дастурларилари асосида қурилиш конструкцияларини хисоблаш ва лойиҳалаш фанларини алоҳида киритилиши бошқа таълим йўналишларидан фарқ қилишини кўрсатади.

**Р.Қ. МАМАЖОНОВ** – Мазкур Давлат таълим стандартларида бакалаврларга кўйилган талаблар, 5340200 – *Бино ва инишотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари)* ва 5111000–*Касб таълими (5340200–Бино ва инишотлар қурилиши)* таълим йўналишларининг мазмун ва моҳиятини тўлиқ очиб беради.

**Ф.Ф. КАРИМОВА** – “Ҳакиқатдан ҳам, 5340200 – *Бино ва инишотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари)* ва 5111000–*Касб таълими (5340200–Бино ва инишотлар қурилиши)* таълим йўналишлари учун ҳамкорликда ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари ва намунавий ўкув режалари ўкув жараёнига мос келади, ҳамда уларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб–хунар таълимини ривожлантириш марказига тавсия этилади.

**Т.А. НИЗОМОВ** – Институтимизда қайта ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари ва ўкув режалари ўкув жараёнига мос келади ва уларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб–хунар таълимини ривожлантириш марказига тақдим этиш мумкин” деб хисоблайман.

Тошкент архитектура қурилиш институти бакалавр таълим йўналишлари бўйича ДТС ва ўкув режаларининг ишлаб чиқарувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида келишув

**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тошкент ш.

“28” январ 2014 йил

